Азизлар, адолатли, меҳр-оқибатли бўлайлик!

ИШОНЧ

12

1993 йил 20 – 26 март (105)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси

Ассалом, Наврўзи олам!

ТИНЧЛИК ВА ГЎЗАЛЛИК ЭЛЧИСИ

ХАЛҚИМИЗ орзиқиб кутаётган гўзал Наврўз айёми чечаклардан поёндозлар тўшаб, миллионлар қалбига шодлик ва қувонч улашиб ўлкамизга ташриф буюраяпти. Шарқона янги йил шодиёналарини ватандошларимиз баҳорий кайфият, кўтаринки руҳ, янги умидлар билан кутиб олмоқдалар.

Бу йилги Наврўз айёми хосиятли кунларга тўғри келмоқда. Ёғин-сочиннинг сероблиги дала ва боғларда ҳосилнинг мўл-кўл бўлишидан, қут-барака ёғилишидан нишонадир. Бобо деҳқонларимиз эрта баҳорданоқ яхши ниятлар билан ерга уруғ қадамоқдалар, боғлар бағрини кенгайтирмоқдалар, байрамни бепоён далаларда нишонламоқдалар.

Мустақиллик гаштини сураётган халқимиз чеҳрасидаги табассумни кўриб, карнай-сурнай садоларига қулоқ тутиб, тикланаётган қадриятларимизга боқиб беихтиёр истиқлолга тасаннолар айтамиз. Ўтган йилдаги Наврўз байрамидан кейин қисқа давр ичида ўлкамизда ўн йилликларга татигулик ишлар бажарилди. Мустақил Ўзбекистоннинг янги Конституцияси, касаба уюшмалари ҳақида қонун ва бошқа хил муҳим меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Улар тузилаётган демократик давлатнинг ҳуқуқий асосларини яратади. Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътибори яна ҳам ошди. Президентимиз И. А. Каримов ўтказаётган тинчликсевар сиёсат ўлкамизда иқтисодий ва сиёсий барқарорликни таъминламоқда.

Баҳор ва Тинчлик, Наврўз ва Меҳр-оқибат — булар бир-бирига ҳамоҳанг сўзлардир. Улар тилимизда ва дилимизда баралла янграмоқда. Дарҳақиқат, тинчлик ва осойишталикдан ҳам қимматлироқ бойлик йўқ оламда. Шу боисдан ҳам биз барчани инокликка, меҳр-оқибатга, яратувчилик меҳнатига даъват этамиз. Биз қанчалик ҳамкор-ҳамжиҳат бўлсак, аҳиллик билан ҳаракат қилсак, бугунги қийинчиликлар шунчалик тез унут бўлади. Наврўзнинг қадами қутлуғ келиб ўлкамиз тезда жаҳоннинг илғор мамлакатларидан бирига айланади. Биз бунга ишонамиз. Ишонч эса кишига куч-қувват ва қанот бахш этади.

Биз бугунги қутлуғ кунларда барча юртдошларимизни умидбахш Наврўз байрами билан самимий қутлаймиз. Баҳорий кайфият, меҳр-муҳаббат ҳамиша йўлдошингиз бўлишини истаймиз. Юртимизга бахт ва омад кулиб боқаверсин!

Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси кенгаши

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ РАЁСАТИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

17 МАРТ куни бўлиб ўтган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Раёсатининг бешинчи йиғилишида қуйидаги масалалар муҳокама қилинди:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ўртасида 1992 йилга мўлжаллаб тузилган Битим қандай бажарилаётгани ва 1993 йилга мўлжаллаб тузиладиган Битим лойиҳаси тўғрисида.

2. Ўзбекистон Республикаси касаба уюшма ташкилотларида молиявий интизомни тартибга солиш тўғрисида.

3. 1992 йил ижтимоий бюджетининг бажарилиши ва 1993 йил ижтимоий бюджети тўғрисида.

Шунингдек, Федерация кенгаши Раёсатининг йиғилишида бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Раёсат йиғилишини Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Б. А. Алламуродов олиб борди.

КОНКУРС-ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

ЎЗБЕКИСТОН меҳнаткашларининг қадимий байрамларидан бири **НАВРЎЗ ШАРОФАТИ** билан **«ИШОНЧ» ҳафтаномаси Республика** агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ва Тошкент вилояти кўмитаси биргаликда **қишлоқ меҳнаткашлари ижтимоий ҳимояси бўйича республикада йиғилган илғор тажрибаларни кенг ёритиш** мақсадида танлов ўтказишга қарор қилишди.

Конкурс-танловга **1993 йил Наврўз кунидан то 1994 йил 1 мартгача «Ишонч»да** эълон қилинган материаллар қўйилади. **Ғолиблар газетанинг Наврўз байрами сонида эълон қилинади.**

ҒОЛИБЛАРГА

Битта биринчи мукофот — 50 минг сўм;
Битта иккинчи мукофот — 40 минг сўм;
Битта учинчи мукофот — 30 минг сўм;

ҳамда 3 та ҳар бири 10 минг сўмдан бўлган рағбатлантирувчи пул мукофотлари берилади.

Конкурс-танловга очерк, публицистика, мақола, лавҳа ва бошқа жанрга мансуб асарлар 1 нусхада, муаллифнинг расми ва қисқача таржимаи ҳоли билан бирга «Ишонч» газетасига тақдим этилади. Ғолибларни тақдирлашда энг аввало Сиз азиз касаба уюшмаси фаоллари, газетхонлар фикри инобатга олинади.

КОНКУРС-ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

Хабарлар мағзи

● ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президентининг фармони билан шу йилнинг 1 апрелидан меҳнат ҳақи, нафақалар ва стипендияларнинг миқдори оширилди. Республикамиз ҳудудида иш ҳақининг энг кам миқдори 3000 сўм қилиб белгиланди. Нафақалар миқдори эса 30 фоизгача оширилиб, энг кам меҳнат нафақаси 3250 сўм бўлди.

● ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Вазирлар маҳкамаси 1993 йилда республика аҳолисини болаларга аталган моллар ва ип газламалар билан белгиланган миқдорда имтиёзли нархларда таъминлаш тадбирлари ҳақида қарор қабул қилди.

Қарорда шу йил 1 апрелдан бошлаб болаларга аталган моллар ва ип газламаларни маълум қисмини 50 фоиз миқдорида чегириб имтиёзли нархларда сотиш жорий этилиши таъкидланган.

ҚАДАМИНГ ҚУТЛУҒ КЕЛСИН!

Б. АЛЛАМУРОДОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси

«ИШОНЧ — ДОВЕРИЕ» газетамизнинг биринчи сони босмадан чикди. У тўлкинланиб турган хаёт уммонида аста чайкалиб, манзил томон — яъни сиз газетхонларнинг калби томон суза бошлади. У сизнинг дилингизга кўр ташламокчи.

Ҳур Республикамиз меҳнаткашлари бугун эртанги кунимиз пойдеворини яратиш мақсадида фидокорлик кўрсатмокдалар. Мустақиллик эълон қилингандан бери ўтган йиллар ичида республикамизда неча ўн йилларга татигулик ишлар амалга ошгани ўз-ўзидан бўлмади, албатта.

Республикамиз хаётида рўй бераётган барча ижобий ўзгаришларни касаба уюшмалари қувонч билан қарши олмокда, унга ўз муносиб улушини қўшмокда. Касаба уюшмалари ўз аъзоларини истиклол йўлида бирлашишга, жипслашишга, Президентимиз ўйлаган хаётбахш дастурларни хаётга тадбик этишда биргалашиб ҳаракат қилишга даъват этмокда. Бугунги кундаги тинчлик ва осойишталик биз учун доим сув билан ҳаводек зарур.

Ҳаётимиз ҳар лаҳзада янгиланиш, бир-биридан мушкул муаммоларнинг ечими сари шиддат билан олға бормокда. Бугунги кунимизнинг ўзига хослиги бозор иқтисодиёти шароитида мураккаб ижтимоий масалаларнинг юзага келгани билан изоҳланмокда. Бинобарин, халк турмушини яхшилаш, фаровон ва тўкис қилиш, кишиларнинг ҳак-ҳуқуқларини ҳимоя этиш — касаба уюшмалари зиммасидаги олижаноб, лекин ўта масъулиятли мақсаддир.

Шунинг учун биз меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали муҳофаза қилиш имконини яратадиган социал-иқтисодий масалаларни ҳал этиш учун ҳукумат билан ўзаро тузилган Битим асосида ҳамкорлик қилаяпмиз.

«Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонуни эркин ҳаракат қилишимиз учун кенг йўл очди.

Биз бозор иқтисодиётига ўтишнинг қийин жараёнларини ҳушёрлик ва сергаклик билан таҳлил этиб бораяпмиз, нарх-наволарнинг бекиёс даражада ўсиши ва турмуш даражасининг пасайиб бориши шароитида турли қатламлар вакилларини, айникса, ёрдамга ўта муҳтож бўлган кексалар, етим-есирлар, ногиронлар, талабалар, кўп болали оилалар, касалманд болаларни ҳар жиҳатдан ҳимояга олиш йўлида аник режалар тузиб иш олиб бормокдамиз.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ўз олдига қўйган бу масалаларни ижобий ҳал этишда «Ишонч»дан ҳамда энди туғилган «Ишонч — Доверие»дан умиди катта. «Ишонч — Доверие» ҳам ҳафталикдек касаба уюшмалари аъзолари орасида олиб борилаётган ташкилий, сиёсий-тарбиявий ва маданий-оқартув ишларини мунтазам ёритиб боради. Бу борада жойларда тўпланган тажрибаларни оммалаштиради. Касаба уюшмаларининг фикрини халкка, халқнинг фикрини эса касаба уюшмаларига етказади. У Ўзбекистонда истиқомат қилаётган кўп миллатли халқларнинг турмушидаги ташвишлар ва қувончларининг, иш жойларида юзага келаётган қимматли ташаббуслар, меҳнат шижоатларини халкка яқинроқ туриб, ёритишига ишонамиз.

«Ишонч — Доверие» одамларимиз ўртасидаги қадр-оқибатларни, меҳр-муҳаббатни, инсоф ва диёнатни, инсонийликни тараннум этади. Халқни яхшилик, эзгулик сари чорлайди. Ўз номига садоқат билан хизмат қилади, деб ўйлайман.

«Ишонч — Доверие» ишчи-ю деҳқонни, дурадгору муҳандисни, олиму талабани, уй бекаси-ю давлат арбобини, қўйинг-ки, хаётдаги барча табақалар, барча ёшдаги кишиларнинг дилига йўл топишига, уларнинг ҳар бирига мос сўзни топиб, уларга мос муомилани қила олади, деб ишонаман.

Газетанинг меҳри баланд ҳомийларига улкан муваффақиятлар тилайман.

Сўз қандай таъсир этиши билан қимматлидир! Айникса, матбуот сўзи. Газета орқали билдирилган сўз қўнғироқ каби ҳаммани ҳушёрликка чақириб, эзгуликка чорлаши керак. Ўз ўрнида, сидқидилдан ва ўз вақтида айтилган оддийгина сўз қалбга йўл топади.

ҚУТЛУҚ НАВРЎЗ кунларида, борлиқ ёшараётган, одамлар эртанги кунга умид билан боқаётган шу табаррук дамларда таваллуд топган мамлакат касаба уюшмаларининг яна бир газетаси «ИШОНЧ — ДОВЕРИЕ»га ХАЛҚ ИШОНЧИ, МЕҲРИ ВА ТАЯНЧИГА САЗОВОР БЎЛИШИНИ ТИЛАЙМАН.

БАДАЛЛАР САМАРА БЕРСИН

МАЪЛУМКИ, касаба уюшмалари маблағи асосан касаба уюшмаларига аъзолик бадалларидан иборат бўлади. Бу маблағ бошланғич ташкилотлардан тушиб, касаба уюшмалари бюджетини ташкил этади. Бюджет эса касаба уюшмалари бўйича таксимланади.

Агар биз собик Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгашининг ягона касаба уюшмалари мавжуд бўлган давридаги эски молиявий тузилмасини эсласак, ўшанда молиявий тизим ҳам уларнинг ташкилий тузилмасига ўхшаб кетарди, яъни банк-молия тизими ва бадалларни ўтказиш жараёни марказлашган эди. Касаба уюшмаларига аъзолик бадалларини таксимлаш бир хилдаги маълумотнома бўйича банк тизими орқали амалга ошириларди ва тегишли бадаллар бевосита Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгашига, касаба уюшмалари вилоят кенгашлари ва республика кўмиталарига етиб келарди.

Ўзбекистон касаба уюшмаларининг XIV курултойидан сўнг молиявий тизим тубдан ўзгарди. Барча марказий, республика, тармоқ қўмиталари молиявий мустақилликка эришдилар, ўз ишларини асосан шартнома асосида курдилар. Бундай қарорлар ҳар бир тармоқ қўмитаси томонидан курултойларда, мажлисларда, раёсатда қабул қилинди. Масалан, агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси ўз уставига аъзолик бадалларининг атиги 5 фоизини раҳбар касаба уюшмаси органларига ўтказишни белгилаб қўйди.

Дастлаб бундан ҳамма шодланиб, бадал масаласи демократик усулда ҳал этилганидан мамнун бўлди. Лекин касаба уюшмаси XIV курултойидан кейинги ўтган давр одамлар барвақт қарсак чалганликларини кўрсатди. Маблағни ўтказишда қийинчиликлар туғилди, кўпгина марказий, республика тармоқ қўмиталари, вилоят касаба уюшмалари кенгашлари, улар билан бирга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳам шартномадаги маблағни тўлалигича ололмай қолди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ташкил топган пайтда унинг ҳисобига бадалларнинг 2,7 фоизини ўтказиш кўзда тутилган эди. Бу маблағдан экологик талафотдан азият чекканларга ёрдам жамғармаси тузиш, инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш, оммавий ахборот воситалари жамғармасига ёрдам бериш, қардош касаба уюшмалари марказлари билан алока ўрнатиш, кадрлар тайёрлаш, турли хил йиғинлар, маданий-оммавий ва спорт тадбирлари ўтказиш каби мақсадларда фойдаланиш мўлжалланган эди. Лекин ўтган йили режалаштирилган чегирмаларни биз ҳам, марказий, республика тармоқ қўмиталари ва ҳудудий касаба уюшмалари бирлашмалари ҳам тўла ҳажмда оломадик.

Нарх-наво бир неча баробар ошиб, халқ турмуш даражаси пасайиб кетган шароитда меҳнаткашларни, уларнинг оила аъзоларини социал ҳимоялаш, маънавий камол топдириш, соғломлаштириш ва дам олишларини уюштириш юзасидан касаба уюшмалари олдига қўйилган вазифаларни бажариш ниҳоятда қийин кўчмокда. Бугунги кунда касаба уюшмалари маблағ йўқлиги учун ўз аъзоларини социал ҳимоялашга қаратилган умум республика ва минтақавий дастурни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш имкониятидан ҳам маҳрум бўлмокда. Санаторий — курортларни ва дам олиш уйларини ривожлантириш, ўз тасарруфида сақлаб туришда ҳам касаба уюшмалари жиддий муаммоларга дуч келмокдалар. Агар бу мақсадларга собиқ марказий касаба уюшмалари органлари томонидан ўнлаб миллион сўмлик маблағ ажратилган бўлса, Иттифоқ тузилмаси тугатилгач, бу вазифа республика касаба уюшмалари зиммасига тушиб қолди. Республикамиздаги бундай шифобахш масканларни ривожлантириш ва сақлаш учун йилига камида 300—400 миллион сўм талаб этилар экан. Касаба уюшмаларининг эса бундай имконияти йўқ.

Спорт-соғломлаштириш ва маданий-маърифий муассасаларда ҳам шундай оғир шароит юзага келди. Уларнинг кўпчилиги молиявий ресурсларнинг йўқлиги учун ёпилмокда, ёки тижорат тузилмасига сотилмокда. Биргина Қорақалпоғистон Республикасини мисолга оладиган бўлсак, у ерда маданий-маърифий муассасалар сони 113 тадан 47 тага тушиб қолди. Бадиий ва техник ҳаваскорлик тўгараклари сони эса 153 тадан 53 тагача камайди. Бошқа вилоятларда ҳам шундай аҳволни кўриш мумкин.

Умуман республика бўйича кейинги йилларда 100 мингдан ортиқ бола спорт мактабларига, маданият уйлари ва саройлардаги турли хил тўгаракларга қатнаш имкониятидан маҳрум бўлди. Чунки буларни сақлаб туришга маблағ керак эди. Маблағ эса йўқ. Бошқа йўналишларда ҳам шундай қийинчиликларга дуч келмокдамиз.

Ўзбекистон касаба уюшмалари мустақилликни қўлга киритгач, ўз матбуот органи яратиш масаласи ўткир бўлиб қолди. Кўп сонли касаба уюшмаси аъзоларининг илтимосига биноан 1991 йилги Наврўз байрамидан эътиборан «Ишонч» хафтаномаси чика бошлади. Ўтган икки йил давомида газета оммалашиб газетхонлар ўртасида обрў-эътибор қозонди. Ҳозир у салкам 85 минг нусхада тарқатилмокда.

Лекин қоғоз нархи, матбаа, алоқа, транспорт хизмати тинмай ошиб бораётганлиги учун газетанинг молиявий аҳволи қийинлашиб кетди. Харажатларнинг бир қисмини Федерация кенгаши касаба уюшмаси бюджети ҳисобидан қоплашга мажбур бўлмокда. Ўтган йили бу мақсадларга 4 миллион сўмликдан кўпроқ маблағ ажратилди. Бу йил ҳам Федерация кенгаши газетани моддий жиҳатдан қўллаб келаяпти. Чунки энг оммавий ташкилот ҳисобланган касаба уюшмалари учун газета жуда ҳам зарур. Унинг молиявий аҳволини яхшилашга ҳар бир касаба уюшмаси ташкилоти ҳисса қўшса мақсадга мувофик бўларди.

Бошланғич ташкилотлар аъзолик бадалларини минтақавий ва марказий органларга ўтказиш миқдорини камайтиргач кўпгина муҳим вазифаларни бажаришда қийин аҳвол юзага келди. Жаҳон миқёсида шу нарса маълумки, аъзолик бадалларининг 60—80 фоизигача бўлган қисми юқори касаба уюшмаси органлари ихтиёрига ўтказилади.

Кейинги йилларда республика касаба уюшмаларининг ташкилий ва молиявий ҳаётида рўй берган қийинчиликлар улар фаолиятини қайта кўриб чиқиб, ўзгартишлар киритиш зарурлигини талаб этмокда. Бу ҳакда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг ўтган йил декабрдаги IV Мажлисида жиддий гаплар бўлди. Натижада Федерация Уставига касаба уюшмалари бирлигини таъминлашга, барча даражадаги касаба уюшмалари тузилмасида ижро интизомини мустаҳкамлашга қаратилган муҳим ўзгартишлар киритилди.

Федерация кенгаши Мажлиси раёсат ва барча аъзо ташкилотларга касаба уюшмалари фаолият кўрсатишлари учун уларнинг молиявий таъминоти масаласини кўриб чиқиш вазифасини топширди. Эндиликда йиғилган аъзолик бадалларининг катта қисмини бошланғич ташкилотларда қолдиришдан манфаат камлигини олдий аъзоларга тушунтириш пайти келди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Уставига киритилган касаба уюшмаларининг янги вазифалари маблағининг каттагина қисмини минтақавий, тармоқ касаба уюшмаларида жамлашни талаб этаяпти.

Ягона, таъсирчан ташкилот бўлиш учун биз ягона ҳисоб-китоб, ягона молия тизимига эга бўлиш имконини берувчи тузилмага эришишимиз керак. Тезроқ маълумотларга, жойлардаги жорий молиявий ишлар бўйича ахборотларга эга бўлмай туриб фақат касаба уюшмаларининг эмас, балки меҳнаткашларнинг ўзларини ҳам ишончли тарзда ҳимоялаш амри маҳолдир.

Баҳодир ҲАМИДОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши давлат ижтимоий суғуртаси ва молия ишлари бўлими мудири.

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ ИМЗОЛАНДИ

Навоий кон-металлургия комбинати касаба уюшмаси ташкилотининг бўлиб ўтган конференциясида 1992 йилги жамоа шартномасининг бажарилиш якунлари ва 1993 йилги жамоа шартномасининг лойиҳаси муҳокама қилинди. Комбинат бош директори Н. И. Кучерскийнинг асосий ва корхона касаба уюшмаси қўмитаси раиси Ю. В. Паламарчукнинг қўшимча маърузаларида кончи ва металлургларни ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқукий манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан ўтган йили амалга оширилган ишлар ва бу соҳадаги шу йилги режалар батафсил таҳлил этилди. Жорий йилнинг жамоа шартномаси қабул қилинди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси бош вазирининг муовини А. Н. Возненко, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Б. А. Алламуродов нутқ сўзладилар.

Конференцияда Навоий вилояти ҳокими А. А. Айдаркулов, вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси С. А. Махнева, Қизилқум нодир металлар ва олтин қазиб чиқариш концерни ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши раиси В. П. Юдин иштирок этдилар.

* * *

Б. А. Алламуродов Навоий вилоятида бўлган вақтида Зарафшон шаҳри меҳнаткашлари вакиллари билан учрашди. Савдо, маданий-маиший хизмат корхоналари иши билан, аҳолининг таъминоти билан танишди.

«ИШОНЧ» мухбири.

Саволларга Тошкент иқтисодиёт университетининг профессори Талгат САЪДУЛЛАЕВ, ҳуқуқ кафедрасининг катта ўқитувчиси Йўлдош ТУРСУНОВ жавоб берадилар.

1. Мен ва рафиқам ўқитувчи бўлиб ишлаймиз. Уч фарзандимиз бор. Шаҳар халқ таълим бўлимига қарашли 2 хонали уйда 1981 йилдан бери яшаб келаяпмиз. Лекин биз яшаб турган уйни ордери бошқа кишини номида. Шу уйни ўзимга хусусийлаштириб олсам бўладими?

2. Мукофот пули ойлик иш ҳақига қўшиб ҳисобланиши ва умумий ҳисобда ундан даромад солиғи, касаба уюшма бадали ушлаб қолиниши тўғрими?

3. Президентимиз қарорига асосан мактаб ўқитувчиларига автобусда юриш учун йўл қоғози берилиши керак эди. Лекин бизда фақат ишга келиш ва кетиш учун йўл ҳақи тўланаяпти. Шу тўғрими?

4. Ўқитувчилар эрталаб соат 7^{00} мактабга келиб то кечгача ишлашади, мактаб ошхонасида овқатланишади. Ўқувчилар нормасидаги овқат ўқитувчиларга икки баробар қимматроқ сотилади. Ўқитувчиларнинг овқатланишига бирон енгиллик борми?

Т. ИСРОИЛОВ,
Чирчиқ шаҳри.

1. Республикамиз Президентининг 1990 йил 13 ноябридаги Фармонига кўра сизлар ўзларингиз яшаб турган уйни қайси идорага тегишли эканлигидан қатъий назар бепул шахсий мулк қилиб олишга ҳақлисизлар, бироқ бунинг учун ушбу уй-жойда сизлар доимий рўйхатдан (прописка) ўтган бўлишларингиз зарур. Бошқа одамнинг номида бўлган уй-жойни эса, хусусийлаштиришга ҳақли эмассизлар. Чунки амалдаги қонунларга кўра ижарачи билан ижара шартномаси тузиш асосида уй-жойни эгаллаб турувчиларда уй-жойга нисбатан эгалик ҳуқуқлари пайдо бўлмайди.

2, «Ўзбекистон фуқароларидан, хорижий фуқаролардан ва фуқаролиги йўқ шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддаси «а» бандига кўра ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи билан бир қаторда барча турдаги мукофотларидан ҳам умумий асосларда солиқ олинади.

Бундан ташқари ҳозир кўпчилик корхоналарда касаба уюшмасига аъзолик бадаллари ҳам бевосита иш ҳақидан ушлаб қолинмоқда ва унинг миқдори ишчи ва хизматчи ойлик даромадининг (мукофотлар ҳам шу жумлага киради, бир фоизини ташкил этади. Амалдаги қонунларда кўзда тутилган бошқа тўловлар ҳам ушлаб қолиниши мумкин.

3. Республика Президенти Фармонида ўқитувчиларга пассажир автотранспортидан фойдаланганда имтиёз бериш кўзда тутилмаган.

4. Ўқитувчилар учун 36 соатлик ҳафталик иш вақти нормаси белгиланган. Кунлик иш вақти узунлиги ўқув машғулотлари жадвали, тарбиявий ва жамоат ишлари ҳисобга олингани ҳолда мактаб маъмурият ва касаба уюшмаси қўмитаси томонидан белгиланади. Одатда иш куни узунлиги 6 соатдан ошмаслиги керак.

5. Президентимиз Фармонида ўқитувчиларга бепул ёки имтиёзли нархларда тушлик овқат бериш назарда тутилмаган. Лекин кейинги пайтларда уларнинг маошлари кескин оширилди.

Мен мактабда 35 йилдан буён лаборант бўлиб ишлаб келмоқдаман. Электр энергияси, табиий газ учун ҳақ тўлайманми?

Президентимизнинг 1990 йил 13 ноябридаги фармонига биноан мен яшаб турган давлат, корхона уйлари менга бепул шахсий мулк қилиб бериладими?

Қ. МАДРАҲИМОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси, Амударё районидаги Қипчоқ қишлоғидаги Н. К. Крупская номли мактаб лаборанти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўрта мактабларнинг ўқитувчиларига имтиёзлар бериш тўғрисидаги Фармони сизга ҳам тўла тааллуқли ва унда кўзда тутилган енгилликлардан сиз ҳам тўла фойдаланишга ҳақлисиз.

1974 йилда туғилганман. Жуда ёшлигимда ота-онамдан ажраганман. Болаликдан касаллик туфайли I гуруҳ ногирони бўлиб қолганман. Ҳозирги кунда кекса бобом, момомлар билан улар қарамоғида тураман. Саволларим қуйидагича:

1. Менинг I гуруҳ ногиронлигим туфайли оладиган нафақам қанча бўлиши лозим? 1993 йил январдан 2500 сўм олаяпман. Шу тўғрими?

2. Момомга менга қараб турганликлари учун нафақаларига қўшимча ҳақ тўланадими?

3. Ногиронларнинг қўл билан бошқариладиган автомашинасини бепул олиш учун қаерга мурожаат қилишим керак?

Ҳ. ЖУМАЕВ,
Сурхондарё вилояти, Денов райони, «Ғалаба жамоа» хўжалиги.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан (1992 йил 29 декабрь) 1993 йил 1 январдан бошлаб иш ҳақи миқдори, нафақа ва талабаларга тўланадиган стипендия ҳажмини ошириш ҳақида қарор қилинган. Нафақа ҳажмининг энг кам миқдори — 2500 сўм қилиб белгиланган. Сизга 1993 йилда тўланаётган нафақа ҳажми тўғри.

2. Саволингиздан маълум бўлишича, момонгизга нафақа тайинланган. Шунинг учун амалдаги қонунга асосан уларга қўшимча нафақа тўлаш назарда тутилмайди. Қонунда I гуруҳ ногиронларига қараб турувчи (меҳнатга лаёқатли) фуқароларга нафақа тўлаш назарда тутилади.

Шу билан бирга район, вилоят хайрия жамоалари сизга ва момонгизга моддий ёрдам кўрсатиши мумкин.

3. Сиз қўл билан бошқарадиган автомашина олиш учун район ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилишингиз мумкин.

1990 йилда пахта тозалаш заводида техника хавфсизлиги бўйича муҳандиси ҳомиладорлик таътилига чиқарилган ва боласи 1,5 ёшга етгунга қадар таътилда бўлган.

Маъмурият техника хавфсизлиги бўйича мухандис вазифасига бошқа бир ходимни вақтинчалик ишга қабул қилган. Ана шу ишга вақтинчалик қабул қилинган ходим 1992 йилнинг ноябрь ойигача, олдинги техника хавфсизлиги бўйича муҳандиси ўз ўрнига ишга қайтиб келгунга қадар унинг ўрнида ишлаган. Кейин эса маъмурият уни сен вақтинча ишга қабул қилингансан деб ишдан бўшатган.

1. Маъмуриятнинг қилган хатти-ҳаракатлари тўғрими?

2. Вақтинчалик ишга қабул қилиш муддати қанча ва қанча муддатдан кейин у доимий ишчи бўлиб ҳисобланади?

3. 1992 йил ноябрь ойигача вақтинчалик техника хавфсизлиги бўйича мухандис вазифасида ишлаб турган ходимга йил якунида бериладиган 13-ойлик пули бериладими-йўқми?

4. Йил якунида бериладиган 13 ойлик пули кимларга берилиши керак?

К. ЮСУПОВ.
Хоразм вилояти, Гурлан райони, «Вазир» жамоа хўжалиги.

Ёш болалар тарбияси билан банд бўлган аёлларнинг иш жойлари то болалари уч ёшга етгунича сақлаб турилиши ва таътилдан сўнг ёки таътил муддати тамом бўлмасидан аввал ишга қайтишни ҳоҳласалар уларга айнан аввалги иш жойлари (лавозимлари) қайтариб берилиши шартлиги қонунда белгилаб қўйилган.

Шу сабабли бола парвариши билан боғлиқ таътилга кетган оналар ўрнига ишга қабул қилинаётган шахслар бу ҳақда огоҳлантириладилар ва ишлашнинг аниқ муддати ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқда кўрсатилмайди. Уч ёшгача боласи бор онанинг ўз ишига қайтиши тўғрисида ариза берган куни унинг ўрнига вақтинча ишга қабул қилинган шахснинг ишдан бўшатилиши лозим бўлган кун саналади.

Йил якунига кўра бериладиган мукофот пули (ёки 13-иш ҳақи)ни тўлаш шартлари ва тартиблари корхоналарнинг бевосита ўзлари томонидан ишлаб ва самарали ишлаган ходимларга берилади. Бола парвариши билан банд бўлган оналарнинг иш ўринларида вақтинча ишлаб турган ходимларга ҳам мукофот пули берилиши мумкин.

Касбим ўқитувчи, 11 йиллик иш стажим бор. Айни вақтда уй-жой коммунал хўжалигида ишлайман. Касаллигим бўйича III гуруҳ ногиронаман. Мен яшаб турган давлат хўжалигидаги уйни текин хусусийлаштириш имкониятига эгаманми?

Н. МУСТАФОЕВ,
Жиззах вилояти, Зафаробод районидаги «Уч қаҳрамон» давлат хўжалиги.

Афсуски сиз бундай имкониятга эга эмассиз. Чунки Республикамиз Президентининг 1990 йил 13 ноябридаги давлат ва идораларга тегишли уй ва квартираларни бепул шахсий мулк қилиб бериш тўғрисидаги фармони ҳозирда ўқитувчи лавозимида ишлаб турган ёки камида ўн йиллик педагогик стаж билан қарилик нафақасига чиққан шахсларгагина татбиқ қилиниши мумкин. Сиз ҳозир бошқа тармоқда ишлаётганлигингиз учун ушбу имтиёздан фойдалана олмайсиз.

● **Саҳифани мухбирлар билан ишлаш бўлими тайёрлади.**

Ҳар тунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг ўлсун Наврўз!

МАРҲАБО, НАВРЎЗИ ОЛАМ!

«Мувофиқ кийдилар, бўлмиш магар
Наврўз ила байрам,
Чаман сарви ёшил хилъат, менинг
сарви равоним ҳам»,—

дея Наврўзни қутлаганлар Алишер Навоий. Чамандаги сарву дарахтлар яшил либосга бурканган эканлар, уларга мувофиқ тарзда бизнинг сарви қад дилбаримиз ҳам яшил кўйлак кийдилар, дейилмоқда. Нақадар гўзал ташбиҳ, аниқ тасвир! Наврўз байрамига безаниб чиқиш — халқимизнинг қадим-қадимий анъанаси эканлиги шу байтдан ҳам яққол билиниб турибди.

Мустақил республикамиз Наврўзни жуда катта миллий байрам сифатида иккинчи бор кенг кўламда тантана қилмоқда.

Наврўз — бу йилнинг бошланиши, она ернинг уйғониши, яшнаш ва яшариш фаслидир. Муқаддас заминимизни янада гўзаллаштиришга, янада фаровон, маҳсулдор этишга интилиш ва бу ишга бутун ақлу заковатимиз, куч-ғайратимизни бағишлаш ҳар биримизнинг олий ниятимиз. Наврўз байрами қалбларимизни ана шундай ёруғ, улуғ муддаолар билан тўлдирмоғи шубҳасиз.

Зеро, кўчат эккан, ариқ қазиган, боғ яратган, йўл очган, кўприк қурган, бино тиклаган, фарзандлар бахтини ўйлаб, ўзини яхшиликка сафарбар этган одамнинг умри безаволдир. Минг шукурки, она-Еримизнинг ости ва устидаги барча бойликларнинг изни энди ўз қўлимизда. Наврўз бизни табиат бағрига янада яқинлаштиради. Ундаги барча гўзалликлар, бойликлар инсон учун, республикамиз меҳнат аҳли учун! Она-Еримиз битмас-туганмас хазина. Бу хазиналарни рўёбга чиқариш, ундан режали, оқилона фойдаланиш керак. Табиат вахшийликни кечирмайди. Қарс бир қўлдан чиқмайди. Биз ҳам табиатга, она-Ерга меҳру муҳаббат билан муносабатда бўлишимиз керак. Наврўз байрами бизни ана шундай олийжаноб фикрларга ундайди. Бир-биримизга марҳаматли, оқибатли, меҳру шафқатли бўлишимизни тақозо этади.

Наврўзда гўё она-Ер бағридан:

— Азиз болаларим, мен-сизникиман, Аллоҳим томонидан сиз учун яратилганман. Дарёларим, тоғларим, водийлару воҳаларим, барча хазиналарим сизга аталган, барча фаслларим сиз учун! Уйғон баҳорим, гулла дарахтларим, югур ирмоқларим, порла, қуёшим, токим дунёлар яшнасин, фарзандларим ободу озод яшасин,— деган майин нидо келаётгандай...

Ўзбекистон, оғушингда турфа байрамдир
бугун,
Кўксинг ичра энг азиз орзуларинг жамдир
бугун.
Қизлари офтоб жамол, ўғлонлари
мардона эл,
Нурли чеҳранг қошида ой ҳам сўник
шамдир бугун
Янгра карнай, янгра сурнай, сайрагил,
олтин рубоб,
Бепоён водийларимда айни
кўкламдир бугун.

Наврўз — бу тиниқ само, ярқироқ қуёш, яшил борлиқ. Наврўз — бу сумалак ва исмалоқ сомсаларнинг хушбўйи. Наврўз — бу улоқчи отларнинг мағрур кишнаши, қизлар қошини безаган ўсма, деҳқоннинг эгат бошидаги салобатли ўйлари, салмоқли хирмонлар рамзидир. Ҳа, Мустақиллик баҳори ҳақида, деҳқон Наврўзи хусусида бир дунё ҳаяжонли шеъру воситалар айтилса арзийди.

Буюк шоиримиз Алишер Навоийнинг деҳқон баҳори, деҳқон меҳнати ҳақида айтган ушбу доно сўзларини ҳамиша ёдда тутамиз: «Деҳқонки дон сочар, ерни ёрмоқ била ризқ йўлини очар... Олам маъмурлиги алардин, меҳнат аҳли масрурлиги алардин. Ҳар қаён қилсалар ҳарокот, элга ҳам кут етар, ҳам барокот. Деҳқонки тузлук билан дона сочар, ҳақ ҳар бирига етти юз эшигин очар... Деҳқоннинг бир дона сочарида бу ҳолдур, ўзга ишлари таърифи маҳолдур».

Айни ҳақиқат. Ҳосил иштиёқи билан нафас олаётган далалар, боғларимизга боқиб, кўнгилларимиз яшаш қувончи, ифтиҳор туйғуси билан тўлади.

Наврўз — ажойиб расму русумлар, урфу одатлар ёркин намоён бўладиган дилрабо тўйимиз. Аскиялар қаҳ-қаҳаси, бешик тебратаётган оналарнинг ширин алласи, нон ёпаётган, сумалак пишираётган аёлларимизнинг, халқ ўйинларини ижро этаётган ёшларимиз, бахши термаларини мароқланиб тинглаётган давралар, гул сочиш, сув сепиш, турли ўйинларни намойиш этаётган элнинг ардоқли байрамидир Наврўз!

Не-не машаққатларни енгиб, ғаламислар фитнасидан ҳайиқмай, озод, эркин, мустақил ҳаёт биносини барпо этаётган азиз юртдошларимизга минг-минг ташаккур. Халқимиз тинчлиги, республикамиз осойишталигини барқарор этишга қаратилган муҳтарам Президентимизнинг ички ва ташқи сиёсати Наврўз байрамини ҳам алоҳида файзли ва шукуҳли этаётгани — бахтимиздир.

* * *

Бўлди олам жилвагар, Наврўз бугун:
Қўлда созу тилда жўшқин сўз бугун.

Эзгу ҳислар мавж урар жонлар аро,
Тўймагай борлиққа боқиб кўз бугун.

Кез чаманлар ичра, кўнглим, завққа тўл,
Зора, дуч келса ўшал гулюз бугун.

Даврада қизлар таманносин кўринг,
Ҳар бири бир ой бугун, юлдуз бугун.

Рози дил айтсам дадил, ўйланма ёр,
Тенг келибдир кечаю кундуз бугун.

Рангу оҳангнинг улуғ бозори бу,
Авжда Алёру Баёт, Феруз бугун.

Хонадон меҳмон ила обод эрур,
Дўст ила соз, яхши давра туз бугун.

Тутма, Наврўз, бизни меҳрингдан дариғ,
Чун меҳр қошинда ожиз муз бугун.

Марҳабо, офтоб, жаҳонга шуъла соч,
Эрк бугун, байрам бугун, Наврўз бугун.

Жуманиёз ЖАББОРОВ.

ТЎПХОНА САЙЛИ

ҲАР НАВРЎЗДА Ургут осмони шишадек тиниқ, ҳавоси тоза, одамлари дилкаш бўлиб қолади. Ҳар Наврўзда Ургут деҳқони тириклик ғамида тупроққа умид билан кетмон уради. Борлик тупроқ ҳидига тўлади.

Ҳар Наврўзда Ургут келинчаклари қошига ўсма, кўзига сурма тортади. Ўсмир қизлар бир-бирига пичир-пичир «дард» ёради.

Ҳар Наврўзда Ургут бир тўлғониб янгиланиб олади. Ургутда янги кун бошланади.

Эрта тонгда карнай-сурнай садолари одамларни Наврўз сайлига чорлайди. Шаҳаро ва Тўпхона ораси 3—4 чақирим масофа. Тоғ бағрида жойлашга Тўпхона томон талпинаётган қари-қартанг, келин-жувон, товонидан ўт чақнаган ёш-ялангларнинг дадил одимлари, шуурида баҳорий куч-ғайрат, шод-хуррамлик балқиётганини кўрганларнинг ҳаваси келади.

Эрталабки ҳаво салқин. Лекин Наврўз сайли бошланиши билан баҳорнинг оромбахш нафаси уфуриб, самода қуёш чарақлайди, ҳаммаёқ зиёга бурканади. Тўпхонага талпинаётганлар оқимида сузиб борар эканмиз, пешонасини танғиб, белини боғлаб, тўрт яшар неварасининг қўлидан ушлаб, илдам одимлаётган кекса онахонни гапга тутдик.

— Наврўз бизга ота-бобомиздан қолган меросий удум — дейди у,— Наврўзни тоққа чиқиб нишонламасак бўлмайди. Ҳар йили Наврўзни яхши ният билан байрам қиламиз. Қадимда ҳам Наврўзи олам Тўпхонада сайил қилинган. Эрта тонгдан ясан-тусан қиз-жувонлар кўчани тўлдириб сайлгоҳга ўтардилар. Келинчаклар чилдирма чалиб, ўйинга тушиб боришарди. Айтишувлар бўларди:

Наврўзимиз — чин рўзимиз келди-ё
Еру осмон баракага тўлди-ё.
Доирани чалинг, жон момо,
Ўйинга тушсин қиз бола.
Қиз боланинг сочига,
Ярашибди чучмома.
Сомса ёпдим ялпиздан
Омонлиғ-е, сомонлиғ.
Юз Наврўзни ўтказган,
Момоларга берайлик.
Наврўз куни қизла[illegible]он,
Ўсма баргин терайлик.
Сочга тақиб гул маржон,
Қошга ўсма қўяйли...

Ўйин-кулги билан Тўпхонага борганимизни билмай қолардик,— дея сўзида давом этади она.— Тўпхона қирларида кўм-кўк майсалар устига дастурхонлар ёйиб, ўзимиз пиширган Наврўз таомларини ўртага тортардик. Сўнг яна ўйин-кулги. Масхарабозлар, қизиқчилар томошалар кўрсатарди.

Тўпхона сайилгоҳига етиб борганимизда қирлар одамга тўлиб кетган эди. Бугунги Наврўз сайли ҳам онахон эслаган қадимги сайлдан қолишмайди. Эллик минг одам тўпланибди. Сайлда Тошкент, Самарқанд, Китоб, Шаҳрисабз, Панжакент ва бошқа шаҳарлардан келган меҳмонларни, шоир ва ёзувчиларни, олимларни, радио-теле журналистларни, киночиларни кўриш мумкин.

Наврўз сайли қатнашчилари сумалак, гўжа оши, чучвара, кўксомса, варақилар тортишди. Хўроз, бедана уриштирувчилар давраси ҳам қизигандан қизиди. «Бешқарсак», «Седана», «Қиз донра», «Баржуш», «Чинор» дасталари ўз санъатларини намойиш қилдилар. Варрак учириш, миллий кураш, арқон тортиш, тош кўтариш, лангарни забт этиш каби халқ ўйинлари ҳам завқ-шавқ уйғотади.

Ургутлик ҳунармандлар — пичоқчилар, каштадўз, дўппидўз, чопондўзлар ўз маҳсулотлари кўргазмасини уюштирганлар. Қайноналар келинлари билан бир қатор тизилишиб, уларнинг тайёрлаган таомларини, тикиб, тўқиган буюмларини кўз-кўз қилишади. Либослар, тақинчоқлар қуёш нури билан ялтирайди. Бундай гўзалликни дунёнинг бирон бошқа бир гўшасида учратмагандай бўласиз.

Тушдан сўнг кўпкари бошланади. Беш юздан кўпроқ чавандоз иштирок этган бу ота мерос мусобақанинг ўзи бир мўъжиза.

Мустақил Ўзбекистоним, бу йилги янги йилинг, Наврўзи чин Рўзинг муборак бўлсин!

Ғуломжон ҒАФУРОВ,
филология фанлари номзоди.

ЭЛИМИЗДА Наврўз нафаси эсаётган айни шу хушбахт кунларда дошқозонларда сумалаклар қайнаяпти. Бу тотли таомнинг масаллиғи-кўкарган буғдой майсаси ўғирларда туйилади. Бу ишда қатнашиш ҳар бир киши учун савоб саналади.

КЕЛДИ ГУЛБАҲОР

Навбаҳор очилди гуллар,
сабза бўлди боғлар
Келинглар суҳбат айлайлик, жўралар, ўртоқлар

Дилбар қўшиқ бизга ҳузур бағишлайди. Қўшиқ қанотида гўёки қушдек парвоз қиламиз. Куй сеҳридан қўшиқ санъаткор тилидан эмас, саховатли замин бағридан, мусаффо осмон қаъридан отилиб чиқаётгандай туюлади кишига.

Ложувард осмонда гоҳ паға-паға оқ пар булутлар кезиб қуёш тиғидан атроф ярақлаб кетади. Сервиқор Лангар тоғларига бош қўйиб, жўшқин Зарафшондан сув ичган, одамлари самимий, кўнгиллари беғубор, замини саҳий, табиати афсонавий, ҳавоси хузурбахш Хатирчи районига бу йил баҳор жуда эрта келди. Бу ҳудудда Наврўз кезаяпти навбаҳор билан ҳамоҳанг.

Наврўз тантаналари олдидан ўтказилган тозалик ва ободонлаштириш икки ойлиги район қишлоқларига чинакам кўрк бағишлади. Байрам олдидан 13 март куни умумхалқ ҳашари ўтказилди. Бу ҳашарда 130 минг кишини бирлаштирган 32 минг хонадоннинг биронтаси ҳам четда қолмади. Наврўз олдидан киши бошига 10 тупдан мевали ва манзарали дарахт кўчати ўтқазилди.

Байрам район маркази — Янгиработ қўрғонининг «Наврўз» ва «Бинокор» маҳаллаларида кўнгилли нишонланаётир. Шунингдек, Навоий номли, Аҳмад Ерлакабов, Абдухоли Ҳалимов ва Мирзо Улуғбек номидаги жамоа хўжаликларида ҳам Наврўз шодиёналари давом этаяпти. Бу тантаналарда касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этишаяпти. Қишлоқларда кўклам кўкатларидан тайёрланаётган сумалак, кўк чучвара, бичақ, гўжа каби 30 хилдан ортиқ таомлар Наврўз дастурхонини безаяпти.

Қир адирларда сайллар. Кўпкари, арқон тортиш, миллий кураш, хўроз ва қўчқор уриштириш каби ўйин ва беллашувлар ҳамда спорт мусобақалари тантаналарга ўзгача ҳусн бағишлаяпти.

Район ҳокими Тоштурди Мамани[illegible] ногиронларга, ёлғиз қарияларга, меҳнат ва Ватан уруши фахрийларига «Наврўз» совға-саломларини тантанали суратда топширди.

Р. ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ишонч» мухбири.

Сумалак маза экан.

Даврон АҲМАД олган сурат.

МЕҲРИ ДАРЁ

ОЛЛАНИЁЗ ЎТАНИЁЗОВ... Бу ном Қорақалпоғистоннинг шимолий ҳудудида, айниқса Нукус ва Кегейли районларида саховат, савоб, меҳру оқибат тимсоли сифатида тилга олинади. У 1960 йиллар Нукус педагогика институтининг талабаси пайтида пахта терими мавсумида фаол иштирок қилиб, кунига 410—420 килограммдан пахта тергани учун «комбайн — одам» деган лақаб олган. Кейинчалик «Нукус» колхозида ўқитувчилик қилди. Ёзги таътил пайтида эса ҳожатбарорларга ғишт қуйиб, ҳовли қуриб беришга киришди. Хуллас, мана ўттиз йилдирки, овулнинг оддий муаллими Олланиёз ҳақида айниқса оддий кишилар тилларидан бол томиб сўз юритишади, кексалар алқашади. Бир неча йил олдин эса атоқли Қорақалпоқ адиби Тулепберген Қайпбергеновнинг Олланиёз ҳақидаги очерки «Правда» газетасида босилиб, бу меҳри дарё инсонга бўлган қизиқиш тобора ортган эди. Аммо баъзиларга Олланиёзнинг хатти-ҳаракатлари ажабтовур туюлиб, уни ўз фойдасини билмайдиган довдирга йўйишади.

Бозор иқтисоди билан боғлиқ ўтиш давридаги пулга ружу қўйиш, бойликка сажда қилиш каби кундалик кўринишлар авж олган мураккаб шароитда Олланиёз тўғрисида сўз юритишни лозим топдик. Нукус районидаги «Сомонбой» овулида истиқомат қилувчи Заҳира Нурумбетованинг қалб сўзларига қулоқ тутайлик.

— Турмуш ўртоғим Ўтеген Абдимуротов билан биринчи гуруҳ ногиронлармиз, — деди Заҳира опа.— Саломатлик битмас-туганмас бойлик, деганлари ҳақ. Айниқса, биздек кўзи ожиз одамларга бу дунё қоп-қоронғу. Ҳукуматимизга минг бора раҳмат. Етарли нафақа тайинлаган. Акс ҳолда биздек мушфиқ бандаларнинг қалби ҳам бира тўла замистон бўлармиди?

Оиламиз бошпанаси хусусида қийналиб келаётган эдик. Иморатимиз қулай-қулай деб турибди. Беш-олти еридан тиргович қўйганмиз. Ўзимизнинг қўлимиздан нима келиши маълум. Шу боис биз яшаётган заминда мўминларга ёрдам қўлини чўзадиган меҳрибон, савобталаб кишилар топилмасмикан, деган умидда оға-ини, туғишганларга, район ва овул ёшуллиларига шароитимизни баён этиб, ёрдам сўрадик. Натижа бўлмади. Охироқибат меҳру мурувватли муаллим Олланиёзжонга учрашдик. Аҳволимизни билдирдик.

— Бош олиб бошқа ёқларга кўчиб кетишнинг ҳам иложи йўқ, устигаустак кексайганда киндик қони тўкилган гўшадан кўчиш дегани ҳам ўлим билан баробар. Бизларга баҳоли-қудрат бошпана қуришда ёрдамлаш,— деб илтимос қилдик.

Олланиёз бироз ўйланиб рози бўлди. Ваъда берди. Ҳали иморатимизнинг пойдевори бошланмасданоқ еру кўкка сиғмай қувонганларимизни айтмайсизми? Шундай меҳри дарё одамлар борлиги учун ҳам бу дунёда яшагинг келар экан. Гапнинг қисқаси, Олланиёз меҳнат таътилида 50 кун бизнинг уйимизда бўлиб, 18 минг дона ғишт қуйди, пойдевордан тортиб бинонинг деворларини кўтарди, томини ёпди, хоналарни сувоқдан чиқазди. Эшик-дераза ромларини ўрнатиб берди. Хуллас, икки ойга етмасдан икки хонали уйни қўлдан чиқазди. Унга ўғли Ажиниёз ёрдамлашди. Ана инсонийлик, ана холис хизмат. Қўл ҳақига у-бу бериб рози қилай десак, астойдил хафа бўлди:

— Мен қўлимдан келганини қилиб бердим. Раҳмат айтсаларингизлар бас!— деди.

Унга оқ фотиҳамизни бердик. «Олтин олма, олқиш ол!» деганлари шу бўлса керак-да?

Ҳа, Заҳира опа чўпчак айтаётгани йўқ. Бу ҳақиқат. Олланиёз бу иккала ногиронларга иморат қилиш билан банд бўлиб юрганида Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Уббиниёз Аширбеков бошлиқ раҳбарлар бу ерга келишиб, унга ҳормасин айтиб кетишди. Қурилиш ишларидан бохабар бўлишди.

Бу Оллониёзнинг кейинги 30 йилда қаровчисиз қолган, кам таъминланган оилаларга қуриб берган 32-уйи. Қизиғи шундаки, ғишт қуйишдан тортиб, том ёпишгача бўлган ишларнинг ҳаммасини ёлғиз ўзи таътил пайтларида амалга оширади. Ҳар ёз бир мўминнинг ҳожатини чиқазади. Айрим ҳолларда уйга муҳтож ногиронларни ўзи излаб келади, уларнинг ҳай-ҳайлашига қарамай иморат қуриб беради.

— Бизлар бундай жўмардликни, хайр-саховатни туққан туғишганларимиздан ҳам кутмаган эдик,— дейди сўзини давом эттириб Заҳира опа Нурумбетова.— Уни бир ярим ойда Олланиёз инъом этди. Бойликка эмас олқишга, асл инсонийликка интилган азаматга билдирадиган олқишимиз, қалбимизга, ҳаттоки, икки хоналик уйимизга ҳам сиғадиган даражада эмас!

Ҳаётимизда бундай саҳий қалб инсонларнинг кўп бўлғанига нима етсин!

Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

БАЙРАМ СОВҒАЛАРИ

ҚАСАБА уюшмалари Қашқадарё вилоят кенгаши Наврўз байрами муносабати билан хайрия мақсадлари учун 180 минг сўм ажратди. Бу пуллар болалар уйлари, қариялар уйлари, интернатлар, афғон уруши ногиронлари ва Улуғ Ватан урушининг 1 гуруҳ ногиронларига тарқатилади.

Шунингдек, Наврўз байрамини энг яхши бадиий ресурслар, халқ анъаналари асосида ўтказиб, ғолиб бўлган касаба уюшмалари учун қимматбаҳо совғалар тайёрланди.

* * *

ҚАШҚАДАРЁ вилоят ҳокимлигининг қарорига биноан «Мироқи» дам олиш уйи касаба уюшмалари ихтиёрига бериладиган санаторийга айлантириладиган бўлди. Уни кенгайтириш, қайта жиҳозлаш учун маблағ ажратилди. Қийин иқтисодий шароитда меҳнат аҳлининг соғлиғини ҳимоя қилиш учун яна бир имконият яратилди.

М. КЕНГБОЕВ,
«Ишонч» мухбири.

ДИЛБАРЛИККА НЕ ЕТСИН

КЎРИК-ТАНЛОВнинг хили кўп. Буни ҳамма билади. Андижонда «Дилбар аёл» кўрик-танлови ўтказиш ҳам урф бўлди. Ҳозирча вилоятнинг 10 та районида энг дилбар аёл аниқланди.

Кўрик-танловда ғолиб чиққанлар пазандаликни ҳам, қайнона-қайнота билан қандай муносабат, муомилада бўлишни ҳам, чапанироқ, ўжарроқ эр билан муроса қилишни ҳам, қудаандалкни ўрнига қўйишу келинга она бўлишни, куёв кўриб қиз узатишлар, болалар тарбиясини билиши керак. Шунингдек, оиладаги тотувликлар сабабини фикран тўғри талқин қилишлик ҳам дилбарлик шартига киради.

Андижон тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида ўтган танлов бу жиҳатдан кўпларни дид, фаросати, қобилиятини ёркин намойиш этди. Бирлашма касаба уюшмаси ва аёллар қўмитасининг 10 минг сўм пул ва дилбар аёл хонадонига ярашадиган идиш-товоқ жамламасидан иборат биринчи мукофоти 2-цех ишчиси Моҳитоб Қаҳҳоровага насиб этди. Гулчеҳра Эргашева, Мовлуда Жамолова, Моҳира Юсупалиева, Ҳидоят Рустамовалар ҳам анча маҳорат кўрсатиб, жамоа вакиллари олқишига сазовар бўлишди. Уларга 6 минг, 3 минг, 1 минг сўмлик совринлар топширилди.

Аёлнинг дилбар бўлиши жамият учун ҳам зарур. Андижон вилоят ҳокимлиги ва вилоят аёллар қўмитаси Наврўз байрами арафасида барча шаҳар ва районларнинг ғолиб дилбарларини ўз ҳузурига чорлаб, тантанали равишда совринлар топширди.

З. РЎЗИЕВА,
Ишонч мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ТАЛАБАЛАР ЖАМҒАРМАСИ НИЗОМИ

Ишонч
№ 12
1993

I бўлим. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ўзбекистон талабалар жамғармаси Ўзбекистон республикасининг «Ўзбекистон Республикасида давлат ёшлар сиёсати асослари тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида»ги қонунларга мувофиқ ёшларнинг жамғармаси бўлиб, жамоатчилик мулкига асосланган корхона саналади.

2-модда. Жамғарма мазкур Низом, Жамғарманинг бошқа ички норматив ҳужжатлари асосида фаолият кўрсатади, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига риоя қилади.

3-модда. Жамғарма юридик шахс ҳисобланиб, унинг фаолияти билан боғлиқ ҳуқуқларга эга ва кўзланган вазифаларни уддалайди, мустақил балансга, банк муассасаларида ўз ҳисобига: муҳр, товар белгиси, бланкалар ва бошқа ҳужжатларга эга.

II бўлим. ЖАМҒАРМАНИНГ МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ФАОЛИЯТ МАЗМУНИ.

4-модда. Жамғарманинг асосий мақсади ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва олий, ўрта махсус ўқув юртлари студентлари ва талабаларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш, бозор иқтисодиёти шароитида уларни социал ҳимоя қилишдан иборатдир.

5-модда. Жамғарманинг вазифалари ва фаолият мазмуни қуйидагилардан иборат:

— Олий ўқув юртлари студентлари, ўрта махсус ўқув юртлари талабалари, студентлар оилалари, турмуш савиясини оширишга хизмат қилувчи дастур ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ўқувчи ёшларга ижтимоий-иқтисодий мадад кўрсатишдир;

— ўқишдан бўш пайтлари талабаларни иш билан таъминлаш;

— талабаларни тадбиркорликка ўргатиш, талабалар корхоналарини ташкил этиш;

— талабалар оилаларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;

— корхоналар ва муассасалар, оила кафолати асосида талабаларнинг таълим ҳақига узоқ муддатли қарзлар бериш;

— бошқа шаҳарлардан келган талабалар истиқомат қилишлари учун хусусий хонадонларда турар-жой, ижара олиш ишларини ташкил қилиш;

— хорижий талабалар иштирокида ёзги лагерлар, ётоқхоналарда истиқомат қилиш шарти билан талабалар ўртасида халқаро борди-келдиларни ташкил этиш;

Республика талабаларининг халқаро кенг миқёсли ҳамкорлигини ривожлантириш ва чуқурлаштиришга мадад бериш, бошқа мамлакатлар билан таълим, стажировкалар алмашишни ташкил этишда ёрдам кўрсатиш;

— талабаларнинг ҳаётини ва саломатлигини суғурта қилиш, талабалар ва ўқувчи ёшлар саломатлигини мустаҳкамлашга мадад бериш;

— кўрик-конкурслар, фестивалллар, ўзбек миллий маданияти кечалари, сиртқи машғулотлар, Ўзбекистон ва хориж бўйлаб саёҳатлар, қидирув ишларини олиб бориш;

— ногирон талабаларга жамоатчилик ёрдамини кўрсатишнинг узоқ муддатли дастурини амалга ошириш, табиий офатлар ва ялпи касалланишлар натижасида азият чеккан талабалар ва ўқувчи ёшларга, етим талабаларга, болалар уйлари ва интернатлари тарбияланувчиларига моддий ёрдам кўрсатиш, муҳтож талабаларга стипендияларга қўшимча пуллар берилишига эришиш;

— мутахассислик бўйича ишга жойлашишда олий ва ўрта махсус ўқув юртлари битирувчиларига социал муҳофаза;

— давлат ва жамоат ташкилотлари билан, талабалар бирлашмалари билан ҳамкорлик қилиб лаёқатли талабаларни аниқлаш мақсадида маблағлар ва саъйи-ҳаракатларни бирлаштириш, уларнинг истеъдоди рўёбга чиқиши учун зарур шароитларни яратиш;

— кенг миқёсли тушунтириш ишлари ёрдамида ташкилотлар, корхоналар, фуқароларнинг пул маблағлари, шунингдек, адабиёт ва санъат асарлари, моддий неъматлар ва ҳоказоларни жалб қилиш.

III бўлим. ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ

6-модда. Жамғарма ўз Низомида кўрсатилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган ҳуқуқлар асосида қуйидагиларни амалга оширади;

— ёшларни меҳнат биржалари, турли корхона ва кооперативлар, ҳамкорликдаги корхоналарни Ўзбекистон Республикасида ва унинг чегараларидан ташқарида, шунингдек, жамғарманинг бўлимлари, филиаллари ва ваколатхоналарини ташкил этиш;

— талабаларни ижтимоий суғурта қилиш;

— биржа фаолияти билан шуғулланиш;

— Ўзбекистонда ва хорижда мустақил сайёҳлик фаолиятини олиб бориш;

— илмий-техникавий, илмий-тадқиқот, методик ишларни юргизиш, таълим бўйича хизмат кўрсатади, шартнома асосида ўзининг илмий-методик, техник ишланмаларини амалга оширади;

— маркетинг фаолияти;

— таклиф қилинаётган ишланмалар ва ғояларга эксперт сифатида баҳо бериш, илмий-тадқиқот ишларини, тажриба конструкторлик ишланмалари ва синовларини бажариш;

— истиқболли лойиҳаларни молиявий ва ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;

— янгиликларни жорий қилиш; «НОУ-ХАУ»ни, лицензиялар, патентлар ва бошқа интеллектуал мулкни сотиб олиш ва сотишга қўйиш;

— ҳар хил турдаги ва мақсадларга мўлжалланган илмий-техникавий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш;

— асосий фаолият соҳасида нашр-матбаачилик фаолияти;

— Ўзбекистон ва хорижий мамлакатларда талабалар ва ёш мутахассисларнинг таълим олиши ва стажировкадан ўтишини, шу жумладан алмашиш асосида туристик сафарлар ташкил этиш;

— ҳисоблаш ва телеалоқа техникаси асосида дастурий-техникавий комплексларни ишлаб чиқиш ва етказиб бериш;

— барча турдаги жиҳозларни ишлаб чиқиш, сотиш, сотиб олиш, экспорт қилиш, импорт, йиғиш, монтаж қилиш, фойдаланишга топшириш, ижарага бериш, ўрнатиш, ремонт қилиш, тарқатиш ва фойдаланиш;

— барча турдаги мулк, шу жумладан ускуналар, биноларни қуриш, лойиҳалаш, ремонт қилиш, сотиб олиш, ижарага бериш, сотиш, ижарага олиш, фойдаланиш;

— амалдаги қонунчиликка мувофиқ ташқи иқтисодий фаолият кўрсатиш, Ўзбекистон ва унинг ҳудудидан ташқарида валюта-молиявий операциялар ўтказиш;

— ўзи ва жамғарма аъзолари ва шериклари ишлаб чиқарган маҳсулотлар билан Ўзбекистон ва унинг чегараларидан ташқарида чакана ва улгуржи савдони ташкил этиш ва унда қатнашиш, воситачилик фаолияти.

IV бўлим. ЖАМҒАРМА ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7-модда. Жамғарма қатнашчилари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

— мазкур Низом ва таъсис шартномаси белгиланган тартибда жамғарманинг бошқарув ишларида қатнашиш;

— жамғарма ғамхўрлик доирасига кирадиган ташкилотларнинг аъзоларига жамғарма ёрдамида моддий жиҳатдан ва бошқача кўмак бериш, мазкур Низомда баён этилган мақсадлар ва вазифаларни амалга ошириш юзасидан хорижий ташкилотлар билан халқаро алоқаларни йўлга қўйиш;

— жамғарма фаолияти, шу жумладан бухгалтерия ҳисоб-китоблари ва бошқа ҳужжатлар билан, ахборотлар билан танишиш;

— жамғарма корхоналари ишлаб чиқарган маҳсулотлар ва кўрсатадиган хизмат турларидан имтиёзли фойдаланиш;

— жамғарма бошқаруви таркибига кириш ёки ўз вакилини юбориш.

8-модда. Жамғарма қатнашчилари таъсис ҳужжатлари кўзда тутган ва жамғарма олий органи қарорлари бўйича белгиланган тартибда, ҳажмда ва усулларда шериклик ҳиссалари ва қўшимча бадалларни тўлашлари даркор, таъсис ҳужжатлари қоидаларини ва ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажаришлари, жамғарма ўз фаолиятини амалга оширишда унга мадад беришлари, зарур ахборотларни бериб туришлари, жамғарма фаолияти ҳақидаги пинҳона ахборотни ошкор этмасликлари жоиз.

9-модда. Жамғарманинг ўз мажбуриятини мунтазам бажармайдиган ёки зарур тарзда уддаланмаган ёки ўз ҳаракатлари билан жамғарма мақсадларига эришишга тўсқинлик қилувчи қатнашчи жамғарма бошқаруви бир овоздан қабул қилган қарор асосида жамғарма қатнашчилари рўйхатидан чиқарилиши мумкин. Бу ҳолда ушбу қатнашчи (унинг вакили) овоз беришда қатнашмайди.

10-модда. Жамғармадан чиқиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда мазкур аъзо камида бир ой муддат илгари жамғарма бошқарувини бундан хабардор қилади. Жамғарма қарорини маълумот учун қабул қилади. Аъзо эса жамғармадан чиққан ҳисобланади. Тўлов таъсис шартномасида белгиланган тартибда амалга оширилади.

V бўлим. ЖАМҒАРМАНИНГ МУЛКИ, МАНБАЛАР ВА ДАРОМАДИ

11-модда. Асосий фондлар ва оборотдаги маблағлар, қатнашчилар фондга берган мулк асосида юзага келган бошқа бойликлар фонд хўжалик фаолияти натижасида ишлаб чиқарилган неъматлар, шунингдек, фонд қонунчилик йўл қўйган бошқа асосларга кўра сотиб олган мулклар жамғарманинг мулкини ташкил қилади.

12-модда. Жамғарманинг мулки, қатнашчиларнинг умумий мулки ҳисобланади ва тўла равишда жамғарма қарамоғида бўлади.

13-модда. Жамғарма фаолиятини таъминлаш учун қатнашчилар ҳиссалари ҳисобига жамғарманинг 2500000 (2 миллион 500 минг) сўмлик Низомда кўрсатилган жамғармаси ташкил этилади. Қатнашчилар ҳиссалари таъсис шартномасига ва раёсатнинг Низом жамғармасига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги кейинги қарорига биноан белгиланади.

14-модда. Жамғарма раёсати розилигисиз қатнашчиларнинг ҳиссалари сотилмайди ёки бировга берилмайди. Жамғарма таъсисчилари жамғарма рўйхатидан ўтган кундан бошлаб бир ой мобайнида ўз ҳиссаларини пул кўринишида тўлашади. Бунинг учун таъсис шартномаси ёки раёсат бошқача қарор қабул қилмаган бўлиши керак.

Жамғарма қатнашчилари таъсис шартномасида белгиланган ҳиссанинг камида 30 фоизини тўлаганларидан кейин ўз ҳуқуқларига эга бўлишади. Раёсат қўшилган ҳисса учун шаҳодатнома беради. Бу шаҳодатнома пул ўрнида юрмайди.

15-модда. Жамғарма Низом фондининг миқдорини кўпайтириши ёки камайтириши мумкин. Низом фондига ўзгартиш киритиш тартиби таъсис шартномасида кўрсатилган. Низом фондини кўпайтириш барча қатнашчилар ўз ҳиссаларини тўла қўшганларидан сўнг амалга оширилиши мумкин.

16-модда. Жамғарма ўз мулкидан унинг вазифасига яраша бемалол фойдаланади, унга эркин эгалик қилади. Жамғарма қатнашчилари жамғарма мулки таркибига кирувчи айрим объектлар, шу жумладан қатнашчилар ҳисса тариқасида қўшган объектлардан алоҳида фойдаланмайди. Қатнашчилар Низом фондига қўшган ҳиссалар эвазига юзага келган мулк ва оборот маблағлари ҳам, агар таъсис шартномаси бошқача ҳолни кўзда тутмаган бўлса, шу тарз ишлатилади.

17-модда. Жамғарма даромади моддий харажатлар ва иш ҳақига кетган харажатларни қоплашдан кейин қолган фойдадан юзага келади. Жамғарманинг балансдаги даромадидан банклар кредитлари, қарзлар ва облигациялар бўйича фоизлар тўланади, қонунчилик кўзда тутган солиқлар ва бошқа тўловлар бюджетга тўланади.

18-модда. Қолган даромад жамғарманинг соф фойдаси ҳисобланади. У махсус жамғармалар ташкил этишга ишлатилади ва агар жамғарма раёсати қарори билан бошқача ишлатиш кўзда тутилмаган бўлса, жамғарма қатнашчилари ўртасида тақсимланмайди.

Фойданинг раёсат ҳар йили белгилайдиган қисми олий ва ўрта махсус ўқув юртлари студентлари ва талабаларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга сарфланади. Қолган қисми жамғарма маъмурияти қарорига биноан илмий-тадқиқот ишларини маблағ билан таъминлаш, жамғарма хизматчиларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш, жамғармани тараққий эттириш, жамғарма заҳира фондини юзага келтириш ва шу кабиларга ишлатилади.

19-модда. Меҳнатга ҳақ тўлаш тизими, унинг ҳажми, шунингдек, бошқа рағбатлантириш турлари (тегишли қоидалар, шу жумладан рағбатлантириш ҳақидаги қоида асосида) жамғарма маъмурияти томонидан белгиланади.

VI бўлим. ЖАМҒАРМА БОШҚАРУВИ

20-модда. Жамғарма қатнашчиларидан иборат жамғарма раёсати жамғарманинг олий органи саналади.

21-модда. Раёсат томонидан тайинланадиган ва чақириб олинадиган маъмурият жамғарманинг ижрочи органидир. Раёсат қарорига кўра бошқа органлар ҳам тузилиши мумкин.

22-модда. Жамғарманинг бўлинмалари, филиаллари ва ваколатхоналари;

Жамғарма Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар, шаҳарлар ва районларда ўзининг бўлинмалари, филиаллари ва жойларда жамғарманинг мақсад ҳамда вазифаларини амалга оширишга хизмат қилувчи филиалларини очиши мумкин. Бўлинмалар, филиаллар ва ваколатхоналар юридик шахс мавқеига эга бўлиши мумкин.

Бўлинмалар, филиаллар ва ваколатхоналар ташкил этиш тартиби жамғарма раёсати томонидан белгиланади.

VII бўлим. ЖАМҒАРМА РАЁСАТИ

23-модда. Қатнашчилар раёсатга ўзининг доимий вакилларини тайинлаши мумкин. Қатнашчи жамғарма раёсати раисини хабардор қилиб, истаган пайти ўз вакилини алмаштириши мумкин. Қатнашчи раёсатдаги ўзининг ҳуқуқларини бошқа қатнашчига ёки жамғарма бошқа қатнашчисининг вакилига топшириши мумкин.

Раёсат таркибига лавозимига кўра жамғарма бош директори киритилади.

Раёсат аъзоларининг жамғарма фаолиятида қатнашиши билан боғлиқ харажатлари жамғарма ҳисобига қопланиши мумкин.

Раёсат йиғилишлари зарурат бўлганда, лекин йилига камида бир марта ўтказилади.

24-модда. Раёсат жамғарма президентини сайлайди. У кейин яна қайта сайланиш ҳуқуқи билан икки йил муддатга сайланадиган раёсат раиси ҳисобланади.

Жамғарма президенти ўз вазифасини бажариш муддатидан давлат ва бошқа ҳуқуқий шахслар ҳамда жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларда жамғарма олий органи вакили ҳисобланади, раёсат доирасига кирувчи ва унинг қарорларига мос келувчи ҳуқуқий ҳужжатларни тузади.

Раёсат президентга ўзининг ҳуқуқларидан бир қисмини топшириши мумкин.

25-модда. Қуйидагилар тўла-тўкис равишда раёсат қарамоғидадир:

а) Низомни тасдиқлаш, унга қўшимчалар, ўзгартишлар ва тузатишлар киритиш;

б) Президентни сайлаш;

в) Жамғарма президенти тавсиясига кўра жамғарма бош директорини тасдиқлаш, у билан шартнома тузиш;

г) Ижро органлари ва тафтиш комиссияси аъзоларини (аудитор) тайинлаш ёки чақириб олиш;

д) Жамғарма фаолиятининг асосий йўналишларини, унинг лойиҳа ва дастурларини белгилаш, уларнинг режаларини ва бу режалар бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлаш;

е) Қатнашчилар томонидан қўшимча бадаллар ҳажми, шакли ва тўлаш тартибини белгилаш;

ж) Бўлинмалар, филиаллар ва жамғарма ваколатхоналари тўғрисидаги материаллар, қоидаларни тасдиқлаш;

з) Бўлинмалар, филиаллар ва жамғарма ваколатхоналари раҳбарларини тайинлаш;

и) Жамғарма фаолиятини тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилиш, тугатиш комиссиясини белгилаш, тугатиш балансини тасдиқлаш.

26-модда. Раёсат йиғилишларида Низомни тасдиқлаш ёки ўзгартириш, жамғарма бош директорини лавозимга тасдиқлаш, фаолиятнинг асосий йўналишларини белгилаш, режалар ва ҳисоботлар, қайта қуриш ва тугатишни тасдиқлаш пайти овозларни учдан икки қисми бўлиши керак. Қатнашчини жамғармадан чиқариш масаласини ҳал қилиш учун ҳамманинг розилиги бўлиши керак. Қолган барча вазиятларда қарор оддий кўпчилик овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

27-модда. Раёсат ўз қарорларини йиғилиш пайти, шунингдек, қатнашчиларни сўраш йўли билан амалга ошириш мумкин. Сўров йўли билан қарор қабул қилиш учун қатнашчилардан бирортасининг ҳам эътирози бўлмаслиги керак.

28-модда. Жамғарма маъмурияти ва хизматчилари.

Маъмурият жамғарманинг ижрочи ва кўрсатмалар берувчи органи ҳисобланади. Маъмурият бош директор, жамғарма директорлари ва бош ҳисобчисидан иборат. Маъмурият фақат раёсат доирасига кирувчи масалалардан бошқа ҳамма муаммоларни ҳал қилади. Раёсат ўзига тегишли ҳуқуқлардан бир қисмини маъмурият доирасига ўтказиши мумкин. Маъмуриятнинг жорий хўжалик, тижорат, молиявий фаолиятига аралашиши таъқиқланади. Жамғарма қатнашчиларидан биттаси ёки бир қанчасининг манфаатларига таҳдид ҳолатлари бундан мустаснодир. Маъмурият жамғарма ташкил этадиган корхоналар ва ташкилотлар қоидалари ва низомларини тасдиқлайди, уларнинг раҳбарларини лавозимга тасдиқлайди, шунингдек, жамғарма маъмурияти ходимлари иш тартиби — қоидалари ва лавозимларга оид йўриқномаларни тасдиқлайди.

29-модда. Директорлар (бош директор ва унинг ўринбосарлари) раёсат томонидан Низомда белгиланган, раёсат қарорлари ва улар билан шартномаларга асосланган компетенция ва ҳуқуқлар доирасида жамғарманинг кундалик фаолиятини бошқариш учун беш йил муддатга тайинланади. Директорлар, бош ҳисобчи номзодлари жамғарма бош директори томонидан раёсатга тавсия қилинади.

30-модда. Бош директор жамғарма аппаратига раҳбарлик қилади. Президент топшириғига биноан бошқа ташкилотлар корхоналар ва муассасалар билан ўзаро муносабатларда жамғармада вакил бўлади. Жамғарма раёсати қарорларини бажарилишини ташкил этади, шартномалар тузади, ходимлар миқдорини белгилайди. Жамғарма аппаратига хизматчиларни ишга қабул қилиш ва бўшатиш масалаларини ҳал қилади, уларга маошлар ва қўшимча пуллар тайинлайди, уларни мукофотлашни амалга оширади, штатдан ташқари ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тартибини белгилайди, жамғарманинг кредитлари, пуллари ва бошқа моддий маблағларини бошқаради, банкларда жамғарма ҳисобини очади, буйруқлар чиқаради, жамғарма номидан ишонч қоғозисиз иш юритади, шартномалар тузади, бошқа ҳуқуқий фаолиятни амалга оширади, жамғарма мулкининг сақланиши учун шартномага мувофиқ тўла моддий жавобгардир.

31-модда. Жамғарманинг меҳнат жамоаси шартномаси, контракт ёки келишув асосида ишлайдиган ходимлар ва мутахассислардан иборатдир. Меҳнат жамоаси Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги кўзда тутган барча ҳуқуқларга эгадир.

VIII бўлим. ЖАМҒАРМАНИНГ ХЎЖАЛИК ВА МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТИ

32-модда. Жамғарма ўз фаолиятини жамғарма маъмурияти томонидан ишлаб чиқилган ишлаб чиқариш, молиявий ва бошқа режаларга мувофиқ амалга оширади. Жамғарманинг бошқа ҳуқуқий ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатлари шартнома асосига қурилади. Жамғарма мутахассислар ва хизматчиларни ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш масалаларини мустақил ҳал қилади, уларнинг ишига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш шакли ва миқдорини белгилайди. Ҳақ чет эл пулида ҳам тўланиши мумкин.

33-модда. Жамғарма — белгиланган тартибда ҳисоб-китоб ва статистика ишларини олиб боради. Ҳисоб йили календарь йилига тенгдир. Дастлабки ҳисоб йили жамғарма рўйхатидан ўтган кундан бошланади ва шу йилнинг 31 декабригача давом этади.

34-модда. Йиллик баланс, даромадлар ва зарарлар ҳисоб-китоби маъмурият томонидан ҳисоб йили тугагандан сўнг иккинчи ой мобайнида тузилиши ва тасдиқланиши керак.

35-модда. Йиллик баланс раёсатга маъмурият томонидан тасдиқлангандан кейин 14 кун мобайнида тақдим қилиниши керак.

IX бўлим. ЖАМҒАРМА НОМИ, МАНЗИЛИ ВА ҚАТНАШУВЧИЛАР

36-модда. Жамғарманинг расмий номи:

Ўзбекистон талабалар Жамғармаси.

37-модда. Жамғарма манзили:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Миробод район, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

38-модда. Низом фондига ҳисса қўшган ва мазкур Низомга мувофиқ жамғарма фаолиятида иштирок этувчи ҳуқуқий ва жисмоний шахслар жамғарма қатнашчиларидир.

Таъсис шартномасида кўрсатилган жамғарма қатнашчилари жамғарманинг муассислари ҳисобланади.

Бошқа ҳуқуқий ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл фуқаролари кейинги фаолият давомида жамғарма раёсати томонидан қатнашчилар сафига қабул қилиниши мумкин.

X бўлим. ЖАМҒАРМАНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАВҚЕИ

40-модда. Жамғарма Ўзбекистон Республикасининг корхоналар тўғрисидаги қонунига мувофиқ юридик шахс ҳисобланади. Жамғарма давлат рўйхатидан ўтган дақиқадан бошлаб ҳуқуқий шахс саналади.

Жамғарма масъулияти чекланган жамият ҳисобланади ва ўз мажбуриятларида қонунчиликка мувофиқ, шу жумладан унинг мулкига тегишли масалалар бўйича жамғарма Низоми доирасидагина жавоб беради.

41-модда. Жамғарма тўла ҳуқуқий қобилиятга эга.

Жумладан, жамғарма Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда:

— Ўзбекистон Республикасида ва унинг ҳудудидан ташқарида банк муассасаларида ҳар қандай кўринишда ҳисоб очиш;

— Банкдан кредитлар ва қарзлар олиши, амалдаги қонунчиликка мувофиқ истаган шаклда иш ҳақи бериши;

— Акциялар сотиб олиш ва сотиш, шунингдек, масъулияти чекланган жамиятлар ва акционерлик жамиятларида пайчилик асосида қатнашиш;

— Аҳолига Марказ фаолияти билан боғлиқ жисмоний ва ҳуқуқий шахсларга пуллик ва текинга хизмат кўрсатиш;

— Тижорат, шу жумладан ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиши, ҳар қандай шериклар билан олди-сотди шартномалари тузиши, сўм ва валюта ҳисобида четга мол олиб чиқиши ва четдан мол келтириши мумкин.

42-модда. Жамғарма қатнашчиларининг мажбуриятлари учун масъул эмас, қатнашчилар эса жамғарма мажбуриятлари учун масъул эмас. Таъсисчилар ўз бадалларини тўла тўлагунларича ўзларининг тўланмаган бадаллари доирасида жамғарма мажбуриятлари учун масъулдир.

43-модда. Жамғарма давлат мажбуриятлари бўйича масъул эмас, давлат эса жамғарма мажбуриятлари бўйича масъул эмас.

XI бўлим. ЖАМҒАРМА ФАОЛИЯТИНИНГ ТУХТАТИЛИШИ

44-модда. Жамғарма фаолияти қайта қуриш (қўшилиш), бирикиш ёки бўлиниш) ёҳуд тугатиш йўли билан тўхтатилиши мумкин.

45-модда. Жамғармани қайта тузиш раёсат қарорига биноан амалга оширилади. Янги Низомни қабул қилиш жамғарма раёсати белгилаган тартибда ўтказилади.

46-модда. Жамғармани тугатиш раёсат қарорига биноан амалга оширилади. Тугатилган жамғарма мол-мулки Низомда кўзда тутилган мақсадларга сарфланади.

Ўзбекистон Республикаси талабалар жамғармаси муассислари:

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги

Ўзбекистон Халқ Демократик Партияси Марказий Кенгаши

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги

МАРТ

22 ДУШАНБА

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Кичкинтой» студияси. «Қўнғироқча». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Тановар» миллий рақс ансамблининг концерти. 19.55 Эълонлар. 20.00 Дунё хабарлари. 20.10 «Чорвачиликни ривожлантириш йўлида». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 «Истиқлолим — истиқболим». Бухоро вилояти. 21.25 «Жар». Бадиий фильм. 1-серия.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Ассалому алайкум». 19.30 Болалар учун. «Совға». 20.00 «Ҳамал». 20.15 «Моҳир қўллар». 20.45 «Ўтмишсиз келажак йўқ». 21.25 Шаҳарлараро телефон алоқа хизмати масъул ходимлари билан бевосита мулоқот. 22.25 «Жиноят жазосиз қолмайди».

● «ОРБИТА IV»

6.00 «Якунлар». 6.45 «Тонг». 9.00 Янгиликлар. 9.20 «Тингланг, томоша қилинг». 9.40 Украина қўшиқлари ва рақслари. 10.10 Актёрлар ва тақдирлар. «Баҳор». Бадиий фильм. 12.00 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 15.25 «Телемикст». 16.10 «Ён дафтар». 16.15 «Кешка ва мевалар», «Кешка ва махсус хизмат». Болалар учун бадиий фильм премьераси. 16.35 Мультфильмлар. 17.00 «Истеъдодлар ва мухлислар». 18.00 Янгиликлар. 18.30 «Нормандия — Неман». Хотира ва дўстликка ярим аср. 19.00 «Иқболи кулганда». 19.40 Телефильм. 19.55 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси (Мексика). 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгиликлар. 21.25 «Горячев ва бошқалар». Бадиий телесериал премьераси. 8-серия. 21.55 «Спорт уик-энди». «Янги студия» таништиради: 22.10 «Бомонд». 22.30 «Бироқ». 22.50 «Таржимаи ҳол». 23.10 «АТВ-брокер». 23.25 «Вазият». 00.35 «ТВ-галерея». 00.55 «Джем-сейшн». 01.25 «Монтаж». Танаффус пайтида (24.00)— Янгиликлар. 01.30 Хоккей. Лига кубоги. Ярим финал.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 Ишбилармон кишилар даври. 8.55 «Эски хўжайин». Ҳужжатли фильм. 9.35 «Буюк хаёлпарастлик». 10.20 «К-2» таништиради. «Абзац». 11.15 Патрисия Каас концерти. 12.15 «Дод солгим келяпти». Бадиий фильм. 13.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 14.00 «Эркакларни асранг». Бадиий фильм. 15.15 Танаффус. «Тристия». В. Артёмов мусиқасига ёзилган балет. 15.35 «Американинг ёввойи табиати». Ҳужжатли фильм премьераси. 3-фильм. 16.05 Янгиликлар. 16.20 «Рост» студияси. «Тон-лабиринт». 16.50 Трансросэфир. «Европа — Осиё». 17.35 «Экспомарказ» таништиради. 17.40 «Токио Москва билан яқинлашадими?».

18.00—19.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 «Қувноқлар театри». Мультфильм (АҚШ). 20.05 «Ҳақиқат онлари». 21.00 Душанба куни детектив. «Лаки страйк» таништиради. «Қидирув эълон қилинган». Бадиий фильм. «Криминал ҳодисалар» туркумидан.

22.00—24.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

23 СЕШАНБА

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Дилором Шерова рақсга тушади». 7.50 Дунё хабарлари. 8.00 «Тутилсин ва зарарлантирилсин». Бадиий фильм. 9.15 Ўзбек тилини ўрганамиз. 9.45 Болалар учун. «Биз санъат мактабида ўқиймиз». 10.45 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
18.00 Янгиликлар. 18.10 «Сирли КА...». Мультфильм. 18.20 «Чегарамиз посбонлари». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Спортлото». 19.25 «Саноатимиз одимлари». 19.55 Эълонлар. 20.00 Дунё хабарлари. 20.10 «Сумалак». Ҳужжатли фильм. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Покистон Ислом Республикасининг миллий байрами — Покистон куни. «Покистон лавҳалари». 21.15 «Ёднома». Санъатимиз дарғалари. 22.20 «Жар». Бадиий фильм. 2-серия.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради...» Мультфильмлар тўплами. 19.20 «Ёнғиндан сақланинг». 19.50 «Билим сарчашмалари». 20.20 «Мусиқали меҳмонхона». 21.00 «Алоқалар ва шартномалар». 21.45 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

6.00 Янгиликлар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 «Тонг». 9.00 Янгиликлар. 9.25 «Домисолька». 9.40 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 10.30 «Горячев ва бошқалар». Бадиий телесериал. 8-серия. 11.00 «Детектив-ленд». 11.50 «Матбуот-экспресс». 12.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс:
12.20 «Сўна». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 13.25 «Гавай гитараси учун торлар». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм. 13.45 «Самода ва ерда. Валерий Чкаловнинг ҳаётидан ўн йил». Телефильм. 14.50 «Сапожников хотини». Мультфильм. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Ишбилармонлар хабарномаси». 15.35 «Конверсия ва бозор». 16.05 «Ён дафтар». 16.10 «Кешка ва гангстерлар». Болалар учун бадиий фильм премьераси. 16.35 «Қуёнлар мактаби». Қисқа метражли бадиий фильм. 17.05 «Олеся ва компания». 17.35 Давлатлараро «Останкино» телеканали «Дунё томонлари» кўрсатувини таништиради. 18.00 Янгиликлар. 18.25 Хоккей. Лига кубоги. 2 ва 3-даврлар. Ярим финал. 19.45 «Мулкдор алифбоси». 19.55 «Мавзу». 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгиликлар. 21.25 «Останкино хит-паради». 22.25 А. Никишиннинг муаллифлик кўрсатуви. 23.20 «Матбуот-экспресс». 23.30 «Фаберже олами». 24.00 Янгиликлар. 00.35 «Шам ёқилган кеча». А. Малинин. 01.15 Кикбоксинг бўйича халқаро турнир.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 Ишбилармон кишилар даври. 8.55 «Ҳақиқат онлари». 9.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб». 10.05 «Мусиқа йирик планда». 11.05 «Қувноқлар театри». Мультфильм. 11.15 «Софи Лорен. Ҳаётининг тафсилотлари». Бадиий фильм. 1—2-сериялар. 13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 14.05 «Кечки салон» саҳифаларида. 15.40 «Телебиржа». 16.10 Янгиликлар. 16.25 «Танишинг: Ростов Ёш томошабинлар театри». 16.55 Трансросэфир. «Аҳволлар қандай, Уфа?» 17.40 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.

18.00—22.30
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30 Спорт кўрсатуви. 22.35 «Мен сизни севаман». Эдита Пьеха концертида.

24 ЧОРШАНБА

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Насиба». Фильм-концерт. 8.05 Дунё хабарлари. 8.15 «Тўйлар муборак». Бадиий фильм. 9.20 Турк тили. 9.50 «Илҳом чашмалари» кўриги. 10.30 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари. 11.00 «Юнус Ражабий». Телефильм.
18.00 Янгиликлар. 18.10 «Мультипанорама». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 ЎзТВ фондидан. Адабий театр. Чустий. «Индамаслар диёри». 19.50 Мусиқий дақиқалар. 20.00 Дунё хабарлари. 20.10 «Тоғнинг гули ўзгача». «Ўзбектелефильм» премьераси. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 «Нафосат» ойномаси. 22.00 «Ўзбекистон халқ ҳофизи Муҳаммаджон Каримов куйлайди». Видеофильм.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Баҳор лавҳалари». 18.40 «Тошкент: шаҳар юмушлари». 19.40 «Спринт». 20.00 «Ҳар кунинг ўлсин Наврўз». 21.00 «Иқтисодчилар мактаби». 21.40 «Театр оламида». 22.25 «Суюнчи». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

6.00 Янгиликлар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 «Тонг». 9.00 Янгиликлар. 9.25 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 10.15 «Қойилмақом Ғоша». Мультфильмлар. 1—10-сериялар. 11.10 «Матбуот-экспресс». 11.20 Эндиликда. Ийд рамазон олиб кўрсатилади. Москвадан олиб кўрсатилади. 12.05 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс:
12.30 «Сўна». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 13.35 «Девордаги суврат». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Телемикст». 16.05 «Ён дафтар». 16.10 «Кешка ва Фреди», «Кешка ва террорчилар». Болалар учун бадиий фильмлар премьераси. 16.50 «Ягона дунё». 17.20 «Клуб 700». 17.50 «Технодром». 18.00 Янгиликлар. 18.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради: «Ишонч ёрлиғи». 19.00 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 19.50 «Миниатюра». 20.00 «Бўлмағур гап». 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгиликлар. 21.25 «Гуллаётган картошкалар байрами». Телевизион бадиий фильм премьераси. 22.45 «Муслим Магомаев ҳузурида меҳмонда». 6-учрашув. 23.30 «Видеодром». 24.00 Янгиликлар. 00.35 «L клуб». 01.20 «Матбуот-экспресс».

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 Ишбилармон кишилар даври. 8.55 «Околесица» кабареси. 9.50 «Кузирхоним». 10.20 Тонгги концерт. 10.40 Маза, таътиллар! «Перлимплин». Бадиий фильм. 12.15 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли телефильм. 13.05 «Бола тилидан...» 13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 14.05 «Омад кулиб боққанда». Эстрада ижрочилари танлови. 15.05 «Конверсия: афсона ва ҳақиқатлар». 1-кўрсатув. 15.35 «Бизнес», янги номлар». 15.50 Янгиликлар. 16.05 «Рост» студияси. «Степа амакини табриклаймиз». 1-қисм. 16.35 Трансросэфир. «Узоқ Шарқ». 17.20 «Экспомарказ таништиради». 17.25 Христианлар учун кўрсатув.

18.00—22.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 «Рек-тайм». 22.55 «Бизнес ва сиёсат». 23.50 Катталар учун мультфильм. 24.00 «Экзотика».

25 ПАЙШАНБА

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Бастакор Мухторжон Муртазоев». Фильм-концерт. 8.00 Дунё хабарлари. 8.10 «Қайлиқ ўғирлаш». Бадиий фильм. 9.20 Араб тили. 9.50 Болалар учун. «Оз-оз ўрганиб доно бўлур». 10.10 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари. 10.40 «Ёшлик» студияси. Уй бекаларига маслаҳатлар.
18.00 Янгиликлар. 18.10 «Бўрсиқ учун уй». Мультфильм.. 18.20 «Доно бобо даврасида». «Наврўз» ҳақида. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Камолот йўлида». М. Қосимова ва С. Ниёзов. 19.55 Эълонлар. 20.00 Дунё хабарлари. 20.10 Ўзбекистон халқ ҳофизи Ортиқхўжа Имомхўжаев. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 «Мустақиллик иқтисодиёти». 21.30 «Уч аламзада...» Бадиий фильм. (Ҳиндистон). 1—2-сериялар.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Табассум». 19.10 Мусиқий дақиқаар. 19.20 «Зангиотада Наврўз сайли». 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.15 «Бу оқшомда». 21.45 «Пульс». Хабарлар.

● «ОРБИТА IV»

6.00 Янгиликлар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 «Тонг». 9.00 Янгиликлар. 9.20 «Оддий мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
Мактаб ўқувчиларининг таътил кунларида:
10.05 Қисқа метражли бадиий фильм. 10.30 «Мусиқа». Мультфильм. 10.40 «Тарк этма». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 11.50 «Матбуот-экспресс». 12.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс:
12.20 «Сўна». Телевизион бадиий фильм. 3-серия. 13.25 «Девордаги суврат». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 14.55 «Мушук Леопольднинг хазинаси». Мультфильм. 15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 15.25 «Телемикст». 16.10 «Ён дафтар». 16.15 «Кешка ва афсунгар». Бадиий фильм. 16.45 Мультфильмлар. 17.15 «Джем». 17.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар». Танаффус пайтида (18.00)— Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 18.55 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 19.45 «Кинопанорама». 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгиликлар. 21.20 «Жас канат»— ёшлар қаноти». Мусиқий кўрсатув. Олмаотадан кўрсатилади. 22.15 «Мосфильм»нинг 70 йиллигига. «Турналар учганда». Бадиий фильм (1957 й.). 00.05 Янгиликлар. 00.40 Футбол. «Уэмбли сари йўла». 01.40 «Матбуот-экспресс».

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 Ишбилармон кишилар даври. 8.55 «Бизнес ва сиёсат». 9.50 Тонгги концерт. 10.05 Маза, таътиллар! «Ҳазил». Бадиий фильм. 11.35 «Телекроссворд». 12.05 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 12.55 «Агар сиз...» 13.25 Ишдан бўш пайтингизда. 13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 14.05 «Гап-гаштакларни қўмсаб». 14.30 С. Шервинский ижоди. 15.10 «Танаффус». И. Шварцберг (скрипка). 15.40 «Терминал». 16.10 Янгиликлар. 16.25 «Мағлубиятсиз ўйин». 16.55 Трансросэфир. «Урал варианти». 17.40 «М-трест».

18.00—22.30
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30 Спорт кўрсатуви. 22.35 «Осойишта уй».

26 ЖУМА

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Дўстлик тароналари». 8.00 Дунё хабарлари. 8.10 «Пазанда». Бадиий фильм. 9.15 «Ёшлик» студияси. «Нишона». 9.45 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 10.15 «Меҳрибонлик».
17.00 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор»— «Динамо». Танаффус пайтида — Янгиликлар. 18.50 «Яшил орол сири». Мультфильм. 19.00 «Ўзбекистон ахбороти (рус тилида). 19.20 «Ургутда Наврўз». 19.55 Эълонлар. 20.00 Дунё хабарлари. 20.10 «Билиб қўйган яхши». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 «Шаҳар бедарвоза эмас». 21.40 «Садқаи сар». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II
БИШКЕК КЎРСАТАДИ
● «ОРБИТА IV»

6.00 Янгиликлар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 «Тонг». 9.00 Янгиликлар. 9.20 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
Мактаб ўқувчиларининг таътил кунларида
10.10 «Мистер Пронька». Мультфильм. 10.40 «Тарк этма...» Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 11.50 «Матбуот-экспресс». 12.00 Янгиликлар.
Театр шинавандалари, Сизлар учун!
12.25 «Антоний ва Клеопатра». Е. Вахтангов номли Давлат академик театрининг фильм-спектакли. 14.45 «Мусиқий жилолар». 15.00 Янгиликлар. 15.25 «Бридж». 15.50 «Бизнес-класс». 16.05 «Ён дафтар». 16.10 «Профессор Андреев ҳузурида». 16.30 «Иш». 16.40 «Бизнинг мусиқий клуб». 17.20 «Сиз бунга қодирсиз». 18.00 Янгиликлар. 18.20 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин?» 18.35 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради: «Ўзимизникилар ва бегоналар». 18.55 «Жиртдан — паҳлавон ҳақида». Мультфильм. 1 ва 2-сериялар. 19.15 «Инсон ва қонун». 19.45 «Мўъжизалар майдони». 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгиликлар. 21.25 «Ҳафтанинг машҳур кишиси». 21.40 «Детективлар клуби»да. «КТВ-I» ва «Франс интернасиональ» канали таништиради: «Янглишиб гаровга олинган аёл». Бадиий фильм премьераси. «Наварро» сериалидан (Франция). 23.15 «Ҳеч нарса ҳақида репортаж».
«ВИД» таништиради:
23.30 «Сиёсий бюро». 00.35 «Музобоз». 01.15 «Обоз» майдончаси». «Мен деярли машҳурман». Танаффус пайтида(24.00)-Янгиликлар. 02.15 «Матбуот-экспресс».

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 Ишбилармон кишилар даври. 8.55 «Шундай яшаяпмиз». 9.25 «Гуга лақабли бегемот». Мультфильм. 10.35 «Ҳайвонот оламида». 11.35 «03» кўрсатуви. 12.05 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 147-серия. 12.55 Ишдан бўш пайтингизда. «ТВ-ателье». 13.10 «Рек-тайм». 13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 14.05 «Ижица». 14.35 «Экзотика». 15.35 «Телебиржа». 16.05 Янгиликлар. 16.20 «Рост» студияси. «Степа амакини табриклаймиз». 2-қисм. 16.50 «Яқин чегараларда». 17.05 «Минора». 17.20 «Жаноблар — ўртоқлар». 17.40 Парламент хабарномаси.

18.00—18.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.25 Жума кунлари Дисней. «Ер сайёрасига юборилган». Бадиий фильм.

19.15—22.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 «К-2» таништиради. «Медиа». 23.20 Телеэкранда — премьера. «Деторобнинг ўлими». Бадиий фильм (Польша).

27 ШАНБА

● ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум». 8.00 Дунё хабарлари. 8.10 «Уйга шер келди». Бадиий фильм. 9.15 Алифбо сабоқлари. 9.45 Ёш спортчилар мактаби: 1. «Шоҳруҳ» клуби. 2. Кураш. Бухороча усул. 10.35 Болалар учун. «Табиат шайдолари». 11.05 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти. 11.35 «Сиҳат-саломатлик». 12.20 «Самсон ва Салли». Мультфильм.
18.00 «Серғайрат кампир», «Бўй ўстирувчи дармон дори». Мультфильмлар. 18.15 «Қўшиғим, жон қўшиғим». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Шеърият дафтаридан». 19.30 «Ёшлик» студияси. «18 га кирмаган ким бор?». 20.30 «Туркистон» ахбороти. 21.00 «Маҳобҳорат». Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм. (Ҳиндистон). 9-серия. 21.45 Халқаро театр куни. «Театр — менинг ҳаётим».

● ЎзТВ II
АШГАБАТ КЎРСАТАДИ
● «ОРБИТА IV»

6.50 Эрталабки гимнастика. 7.00 «Матбуот-экспресс». 7.10 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 7.55 Янгиликлар. 8.35 «Спортимконият». 9.05 «Марафон-15»— кичкинтойларга. 9.35 «Бумеранг». 10.05 Шанба кунги дастхат. 10.35 Экологик кўрсатув. 10.50 «Табаррук». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм премьераси. 11.20 «Тибиёт ҳамма учун». 12.00 «Максима». 12.35 «Мулкдор алифбоси». 12.45 «Қизил космос». Телефильм премьераси. 7-фильм — «Бизнинг Шаттл-Буран». 13.15 «Театр учрашувлари». 14.15 «Технодром». 14.25 «Марказий экспресс». Европа тележурнали. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Сеними, шошмай тур!». Мультфильмлар. 13 ва 14-фильмлар. 15.45 «Ҳайвонот оламида». 16.35 «Оба-На-Уголшоу». 17.05 «Қизил квадрат». 17.45 Волейбол. Россия чемпионати. Эркаклар. 3-ўрин учун матч. «Динамо» (Москва вилояти)—«Самотлор» (Нижневартовск). 18.30 В. Девятов «Россия қўшиқ, мусиқа, рақсда» кўрсатувида. 18.50 «Ўн икки дарғазаб эркак». А. Ширвиндт ва М. Державин. 19.50 «Коламбия Пикчерс» таништиради: «Етти ўлик детектив». Бадиий фильм премьераси. «Майк Хаммер» телесериалидан. 3-серия. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгиликлар. 21.25 «Коламбия пикчерс» таништиради: «Кентервиль шарпаси». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 22.20 «Матбуот-экспресс». 22.35 «Қорқиз ва етти гном». Эльдар Рязанов Владимир Молчанов билан суҳбатлашади. 23.10 Буржлар туркумидан. Танаффус пайтида (24.00)— Янгиликлар. 01.15 «Сновидение». Дам олиш томошалари.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 «Оламга ўз нигоҳи билан қараш». 8.50 Мульти-пульти. 9.00 «730-формула». 9.30 «Рост» студияси. «Бизнинг «Аралаш-қуралаш».

10.00—11.20
«ЎЗБЕКИСТОН»
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

11.20 Кундузги сеанс. «Автомобиль, скрипка ва Клякса лақабли кучук». Бадиий фильм.

12.55—16.10 «ЎЗБЕКИСТОН»
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

16.10 «Соҳибжамол Елена». Модельер-мусаввир Е. Пелевина. 16.40 «Тилла шпора». 17.10 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси.

18.00—20.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.25 Телеэкранда — премьера. «Катала». Бадиий фильм. 21.45 Катталар учун мультфильм.

22.00—24.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

24.00 «Винил чангалзорлари». 00.30 Тунги сеанс. «Қизилиштоннинг боши оғримайдими?». Бадиий фильм.

28 ЯКШАНБА

● ЎзТВ I

7.00 «Хотира». Садир Зиёвуддинов. 8.00 «Туркистон» ахбороти. 8.30 «Маҳобҳорат». Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм. 8—9-сериялар. 10.00 «Ўзбекистон спорти». 10.20 Инглиз тили. 10.50 «Яшил чироқ», Ёш автоинспекторлар мусобақаси. 11.50 «Халқ ижодиёти». Қодир бахши Раҳим ўғли. 12.35 «Инсон ва замин». 13.35 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Навбаҳор»— «Бинокор — Пахтакор-79».
18.00 Ўсмирлар учун. «Уйла, Изла! Топ!». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Қадрият». Ризамат ота Мусамуҳамедов. 19.50 Жаҳон спорти янгиликлари. 20.00 «Ўтганлар ёди бу». Адабий кўрсатув. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 «Булоқлар кўз очганда». Сурхондарё вилояти. 22.00 «Чинор остидаги дуэль». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II
БИШКЕК КУРСАТАДИ
● «ОРБИТА IV»

5.55 «Руҳни чиниқтириш». 6.55 Янгиликлар. 7.30 Эрталабки гимнастика. 7.45 «Спортлото» тиражи. 8.00 «Марказ». 8.30 «Эрта саҳарлаб». 9.00 «Ҳозирча ҳаммаси жойида». 9.30 «Тонг юлдузи». 10.20 «Ҳарбий-ревю». 11.00 «Олам дам олишда». 11.45 «Қора кўркам от саргузаштлари». Болалар учун кўп серияли телефильм премьераси. 12,10 «Марафон-15».

«КТВ-I» ва «Франс интернасиональ» канали таништиради:
13.00 «Пиф ва Геркулес». Кўп серияли мультфильм премьераси. «Кусто командасининг сувости одиссеяси». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси. 14.00 Янгиликлар. 14.20 Ирина Аллегрова куйлайди. 14.30 Мультфильмлар премьераси: «Каспер ва унинг дўстлари», «Ҳақиқий ажина овловчилар». 15.30 «Саёҳатчилар клуби». 16.20 Эфирда бевосита мулоқот. 17.00 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув. 17.45 Янгиликлар. 18.05 «Мариинскда променад». 19.00 Телеэкранда биринчи марта. «Хавфли жиноятчи қидирилмоқда». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия). 20.55 Эълонлар. 21.00 «Якунлар». 21.50 Теннис. Дэвис кубоги. Россия — Германия терма командалари. 22.50 «Нева шоҳкўчаси». Телефильм. 23.00 Янгиликлар. 23.15 «Маркиз де Сад ва Анжелика ҳазиллашаяпти». 23.55 «Эркаклар иши». Бадиий фильм.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Мульти-пульти. 7.30 Баскетбол шарҳи. 8.00 «Сиз яратган боғ». 8.30 «Рост» студияси. «Т клуби». 9.00 Кипрас Мажейка. «Кичик Европадан репортажлар». 9.30 «Ҳали англанмаган коинот».

10.00—14.15 «ЎЗБЕКИСТОН»
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

14.15 «Юлдузлар ёмғири». Мусиқий кўрсатув. 15.15 «Оқ қарға». 16.00 Диснейнинг сеҳрли олами. «Винни-Пухнинг янги саргузаштлари», «Қора плашч». 16.50 «Ҳар бир кун байрам».

17.00—17.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.25 Си-Би-Эс кинотеатри. «Ҳамма нарсадан воз кечган ота». Бадиий фильм. 19.10 «Познер ва Донахью». 19.40 Парламент хабарномаси. 19.55 Фильм премьераси. 20.10 «Изабель». Дам олиш кўрсатуви.

20.55—24.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз»дан олинди.

Тошкент вилояти Бекобод район, «Деҳқонобод» жамоа хўжалиги ва касаба уюшмаси қўмитаси раҳбарияти икки мингдан ортиқ касаба аъзоси, олти юздан ортиқ меҳнат фахрийсини улуғ айём — Наврўзи олам билан чин дилдан табриклайди ҳамда уларга қуёшдай порлоқ умр, мустаҳкам сиҳат-саломатлик тилайди.

ҚУВОНЧЛАРНИ БАҲАМ КЎРАМИЗ

ЭРТАГА умумхалқ байрами — Наврўз шодиёнаси. Шу қутлуғ кунларга омон-эсон етиб келганимизга минг бора шукрлар айтиб, эл қатори халқ сайлига чиқамиз, ёр-биродарлар билан дийдор кўришиб қалблардан жўшиб чиқаётган қувончларимизни баҳам кўрамиз.

● Наврўз байрами эрталаб гўзал Тошкентнинг муҳташам Халқлар Дўстлиги саройи олдидаги ям-яшил майдонда бошланади. Сўнг байрам қатнашчилари Ўзбекистон Миллий боғи томон одимлайдилар.

● Миллий боғ шаҳар районларига бўлиб берилган бўлади. Ҳар бир район вакиллари нималарга қодир эканликларини шу ерда намойиш этадилар. Байрам қатнашчиларини 11 та район пазандалари, қандолатчилари, санъаткорлари қўлларини кўксиларига қўйиб кутиб оладилар.

● Навоий ҳайкали пойида шаҳримиздаги миллий марказларнинг вакиллари ўз халқлари урф-одатларини, расм-русумларини, санъатини намойиш этадилар. Наврўзнинг чинакам байналмилал байрам эканлиги шу ерда ёркинроқ намоён бўлади.

● Мустақиллик майдони тўлалигича болалар ихтиёрида бўлади. Болалар ансамблари ижро этадиган куй-қўшиқларга «Ялла» ансамбли ва бошқа устоз санъаткорлар жўр бўлади. Бу ерда Наврўз тарихидан ҳикоя қилувчи театрлаштирилган томошалар кўрсатилади.

Байрам шодиёналари бутун шаҳарга, ундан ошиб барча вилоятларга ёйилади. Эрталабдан бошланадиган сайллар, куй-қўшиқлар кун бўйи давом этади. Мустақил диёр меҳнаткашлари тинчлик ва гўзаллик элчиси Наврўз байрамини орзиқиб кутган эдилар. Ўша кун келаяпти. Ҳамма — байрамга!

НОГИРОН БОЛАЛАРГА НАВРЎЗ СОВҒАСИ

Байрам арафасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Тошкентдаги болалар суяк сили хасталиклари санаторийсига рангли телевизор билан видеомагнитофон тортиқ қилди.

Санаторийда ҳозирда Ўзбекистоннинг барча вилоятлари ва қўшни республикалардан келган 500 га яқин болалар даволанишаяпти. Мактаб ёшидаги болалар даволаниш билан бирга ўрта мактаб программаси асосида ўқишаяпти. Шу ерда II синфни битириб етуклик аттестати олишади ҳам. Ўзбекистон ҳукумати санаторийда ногирон болалар учун барча шарт-шароитларни яратишга ҳамиша катта эътибор бериб келаяпти.

Болаларга аталган совғани Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Б. А. Алламуродов топширди. У ўқишлари билан қизикди. Уларни наврўз байрами билан табриклади.

Шунингдек, санаторийга Ўзбекистон енгил саноат ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси Т. Б. Мурсалиева қўмита номидан кийим-кечаклар, ўйинчоқлар тортиқ қилди.

Санаторий бош шифокори А. А. Турсунова байрам совғалари учун ўз жамоаси номидан миннатдорчилик билдирди.

Совғаларни топшириш маросимида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг муовини М. М. Тўлаганова, Республика тиббиёт ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси О. Й. Абдуллаевалар иштирок қилишди.

«Ишонч» мухбири.
Даврон АҲМАД олган суратлар.

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Вьетнам Умуммехнат Конфедерацияси Ижроия Қўмитасининг аъзоси, металлурглар касаба уюшмалари Марказий Қўмитасининг раиси Мai Хак Ке раҳбарлигидаги Вьетнам Умуммехнат Конфедерацияси делегацияси ўтган ҳафтада Ўзбекистонда меҳмон бўлди. Делегация ўз сафари вактида Тошкент шаҳрининг диккатга сазовар жойларини кўздан кечирди. Бир қатор саноат корхоналарида, вазирлик ва идораларда бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнлари, иш юритиш тизими билан танишди. Делегация таркибида Конфедерация қошидаги Вьетнам меҳнат ва иш билан таъминлаш Марказининг директори Ли Ван Кун, Конфедерация Ижроия Қўмитаси аъзоси, маориф касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси қошидаги саноат техникумининг директори Куе Суан бор эдилар.

Меҳмонларни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг муовини М. М. Тўлаганова қабул қилди. Ўзаро суҳбат давомида М. М. Тўлаганова Республика касаба уюшмаларининг ташкилий тузилиши, уларнинг кўпқиррали фаолиятлари ҳақида сўзлаб берди.

— Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши — деди у, — Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирган давлатлар касаба уюшмаларидан ташқари 11 та хорижий мамлакатлар касаба уюшмалари ташкилотлари билан ўзаро алоқалар ўрнатган. Халқаро алоқаларимиз тобора кенгайиб бораяпти.

Сизларни Ўзбекистонга ташриф буюрганинглар билан Федерация кенгаши номидан қизғин табриклайман.

Вьетнам делегацияси раҳбари Мai Хак Ке жавоб нутқи сўзлади.

Қабул маросимида иккала томон ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Т. АЛИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

Хабарлар мағзи

● ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар ташкилоти Бош котиби Бутрос Бутрос Ғолий жаноби олийларига Марказий Осиё ва айниқса Тожикистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш муаммоси юзасидан мурожаатнома юборди.

● ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президентининг Фармони билан Э. Ҳ. Ҳайитбоев Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг қарори билан Ш. Ғ. Яҳёев Ўзбекистон Республикаси Давлат телерадиокомпанияси раиси этиб тайинландилар.

● РЕСПУБЛИКАМИЗГА расмий ташриф буюрган Туркия Республикаси Қуролли Кучлари бош штаби бошлиғи, армия генерали Дўғон Гурешни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қабул қилди ва суҳбат чоғида мустақил Ўзбекистоннинг тинчликпарвар ҳарбий сиёсати хусусида сўзлаб берди.

● ТОШКЕНТДА Республика пахтакорларининг ўтган йил якунлари ва келгусидаги вазифаларга бағишланган кенгаши бўлиб ўтди. Республикамиз Президенти кенгаш қатнашчиларидан бир гуруҳини қабул қилди.

● НАВРЎЗ байрами арафасида Ўзбекистон Республикаси Журналистлар уюшмаси бир гуруҳ журналистларни Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси лауреати нишони, фахрий дипломлари ва дипломлари билан мукофотлади.

Мукофотланганлар орасида газетамиз бош муҳаррири Тўлқин Қозоқбоев ҳам бор. Мукофотланганларни чин қалбдан табриклаймиз.

ҲУРМАТЛИ «ИШОНЧ» МУХЛИСЛАРИ!

«Ишонч» газетасининг илк сони 1991 йил 21 март Наврўз кунида чиқди. Газета таҳририят жамоаси ўз мухлисларини Наврўз *айёми ва ушбу сана билан чин юракдан табриклайди*

Ишонч

БОШ МУҲАРРИР
ТЎЛҚИН ҚОЗОҚБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Акмал АКРОМОВ (бош муҳаррир муовини), Абдуманноп АЛИМБОЕВ, Муҳаммадлатиф ЖУМАНОВ, Турғунбой МАДИЕРОВ, Турғун НАЗАРОВ (масъул котиб), Абдурасул РЎЗМАТОВ, Саминжон СУЛТОНОВ (вилоят муҳбири), Муҳайё ТЎЛАГАНОВА, Шабот ХЎЖАЕВ, Санобар ХЎЖАЕВА,

● Бош муҳаррир қабулхонаси 56-25-36
● Бош муҳаррир муовини 56-52-89
● Масъул котиб 56-52-78

БЎЛИМЛАР

● Мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79
● Маданият, маънавият ва хатлар 56-87-78, 56-87-63.
● Ишлаб чиқариш ва хўжалик — 56-55-85.

● ВИЛОЯТЛАРДАГИ МУХБИРЛАРИМИЗНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:
Андижонда — 5-32-24;
Бухорода — 3-50-10
Гулистонда —2-10-02;
Жиззахда —2-39-54;
Навои — 3-59-99;
Наманганда — 6-22-10;
Нукусда —4-19-97;
Самарқандда —35-63-64;
Термизда —2-70-07;
Тошкентда —56-87-95;
Фарғона — 4-28-29
Урганч — 6-03-40
Қаршида —5-33-71;

● Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Таҳририят воситачилик қилмайди Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

● Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.

● «Ишонч» газетаси 1991 йил 8 январь куни Ўзбекистон Республикаси матбуот давлат қўмитасида рўйхатга олинган ва унга 000068 сонли гувоҳнома берилган.

● ГАЗЕТАМИЗ ҲОМИЙЛАРИ:
Ўрта Осиё электр аппаратлари илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси,
Тошкент вилояти, Ўрта Чирчик райони Ким Пен Хва номидаги корпорация.

● Сотувдаги нархи 10 сўм.

● ШАНБА кунлари чиқади.

● **Босишга 19 мартда** топширилди.

● Навбатчи масъуллар:
Акмал Акромов,
Тожибой Алимов.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700165, Тошкент шахри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

● 84460 нусхада босилди.
● Буюртма — № Г140.
● Офсет усулида босилди, формати А-3, ҳажми 4-босма табоқ.

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамаси Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

1 2 3 4 5 6